ҒАЛАБА БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 106 (5697).

9

Май 1985 й.

ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин.

Гулчамбарлар қўйилди

8 май куни М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. М. Чебриков, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, М. В. Зимянин, В. П. Никонов, К. В. Русаков ўртоқлар В. И. Ленин Мавзолейини зиёрат қилдилар ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан гулчамбар қўйдилар.

Ҳозирги замоннинг асосий социал ютуқлари, XX асрнинг революцион моҳияти Владимир Ильич Ленинниинг беқиёс азиз номи билан боғланган. Биз яшаётган давр тарихга Ленин даври, ленинизм тантанаси даври сифатида абадий киради. Совет раҳбарлари КПСС асосчиси, жаҳонда биринчи социалистик давлат бунёдкорининг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб, ҳурмат билан эсга олдилар.

Сўнгра улар Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабри томон йўл олдилар. Бу ерда Москва гарнизонининг қисмлари саф тортиб турди. Мангу олов ёнидаги алангаланиб турган гранит плитага «Сенинг номинг номаълум, жасоратинг ўлмасдир» деган сўзлар ўйиб ёзилган. Қаҳрамон шаҳарларга қўйилган ёдгорликлар олдида совет жангчилари фахрий қоровулликда турибди. Жанговар байроқлар қуйи эгиб қўйилган.

1945 йилнинг майида Улуғ Ватан урушининг сўнгги тўп садолари эшитилган пайтдан бери орадан қирқ йил ўтди. Бироқ Ватан учун ўз ҳаётини қурбон қилган кишилар халқ хотирасида абадий қолди. Шу кунларда бу ерга одамлар оқими тинмай келиб турибди. Бу ер гуллар билан тўлиб-тошган. Бу гуллар тириклардан ҳалок бўлган жангчиларга, абадий барҳаёт кишиларга келтирилган!

Музыка садолари тантанавор янграйди. Совет раҳбарлари Номаълум солдат қабри ёнига келадилар ва гулчамбар қўядилар. Қизил лентага «Социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган кишиларга КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советидан» сўзлари ёзиб қўйилган.

Улар социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида, бутун дунёда тинчлик йўлида ўз ҳаётини қурбон қилган совет жангчиларининг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

Милтиқлардан бир йўла уч марта ўқ отилиб, салют берилади, Совет Иттифоқи Давлат гимни янграйди.

Ҳарбий бўлинмалар Улуғ Ватан урушининг ҳалок бўлган қаҳрамонларига ҳарбий иззат-икром кўрсатиб, Номаълум солдат қабри олдидан тантанали марш билан юриб ўтадилар.

Совет раҳбарлари билан бирга СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, совет ҳарбий бошлиқлари, КПСС Москва шаҳар комитети бюроси ва Москва Совети ижроия комитетининг аъзолари, КПСС Москва область комитети бюроси ва Москва область Совети ижроия комитетининг аъзолари В. И. Ленин мавзолейи ва Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйдилар.

РСФСР Олий Совети Президиуми ва РСФСР Министрлар Совети номидан, СССР Қуролли Кучлари жангчилари, Москва ва пойтахт области меҳнаткашлари номидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

(ТАСС).



Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлис президиумида.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ СЎНМАС ЁҒДУСИ

Кремлнинг Съездлар саройида Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлис

Баҳор шамоли Кремлнинг Съездлар саройи олдидаги СССР, иттифоқдош республикаларнинг байроқларини ҳилпиратиб турибди. 8 май куни бу ерда барча қардош республикалардан Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантаналарга етиб келган Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Шуҳрат ва Меҳнат Шуҳрати орденларининг тўла кавалерлари, пойтахт ва Москва атрофидаги меҳнаткашларнинг вакиллари, Совет Қуролли Кучларининг жангчилари тўпланишди.

Ғалабанинг 40 йиллигини байрам қилиш учун СССРга келган социалистик мамлакатларнинг партия-ҳукумат делегациялари, Коммунистик ва ишчи партияларининг вакиллари, озодликка чиққан мамлакатлар партия-ҳукумат делегациялари вакиллари, социалистик, социал-демократик ва бошқа партияларнинг намояндалари, давлат арбоблари, халқаро демократик ва чет эл жамоат ташкилотларининг вакиллари, чет эллик уруш ветеранлари ҳам залда ўтиришибди. Совет Иттифоқидаги чет эл дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари ҳам шу ерда тўпланган.

Йиғилганлар **М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. М. Чебриков, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, М. В. Зимянин, В. П. Никонов, К. В. Русаков** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Президиумдан СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, бир қатор министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, таниқли саркардалар, уруш ва меҳнат ветеранлари ҳам жой олганлар.

Социалистик ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг делегациялари бошлиқлари ҳам шу ерда ўтиришибди.

Сарой байрамона безатилган. Саҳнанинг марказида В. И. Ленин барельефи, «1945» ва «1985» рақамлари кўзга ташланади. Фойеда даҳшатли уруш йилларида намуна бўлган қисмлар ва корхоналарнинг байроқлари, Қизил майдондаги Ғалаба паради иштирокчиларининг — фронтлар терма полкларининг байроқлари қўйилган.

Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **В. В. Гришин** очди.

Совет Иттифоқи Давлат гимни янграйди.

Ҳарбий марш садолари остида бундан 40 йил муқаддам мағлуб рейхстаг узра ҳилпираган Ғалаба байроғи, СССР Қуролли Кучларининг уч турдаги қўшинлари байроқлари залга олиб кирилади. Байроқлар «Победа» ордени тасвирланган саҳнага ўрнатилади. Уларнинг ёнида фахрий қоровул саф тортиб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари **М. С. Горбачевга** сўз берилади. У «Совет халқининг ўлмас жасорати» мавзуида доклад қилди. Доклад эътибор билан тингланди ва бир неча бор давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

(Давоми тўртинчи бетда).

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ЎЛМАС ЖАСОРАТИ

Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

Азиз ўртоқлар! Дўстлар! Ҳурматли меҳмонлар!

Халқимиз учун тўрт йиллик уруш узоқ давом этган даҳшатли уруш бўлди. Ғалабага олиб борган йўл машаққатли бўлди. Мана ниҳоят совет солдати, совет кишиси: ҳаққоний иш тантана қилди! Душман тор-мор этилди! Биз ғалаба қозондик! — деб айта олган ўша порлоқ май куни етиб келди.

Совет халқи, унинг шавкатли Қуролли Кучлари фашистлар Германиясини қақшатқич мағлубиятга учратдилар, Ватан озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолдилар, Европа халқларига озодлик келтирдилар. Фашизмнинг тор-мор этилганлиги, урушнинг голибона тугаганлиги қутқариб қолинган инсоният олдида социал тараққиётнинг янги йўлларини, планетада адолатли ва мустаҳкам тинчлик истиқболларини очган жаҳоншумул тарихий аҳамиятга молик бурилиш воқеаси бўлди. Ғалабамиз ўтмишда қолиб кетгани йўқ. Бу Ғалаба ҳозирги вақтда ҳам, келажакда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайдиган жонли Ғалабадир.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати қаҳрамон совет халқини Буюк Ғалабанинг қирқ йиллиги билан қизғин қутлайдилар! Азиз ватандошлар, байрамингиз муборак бўлсин!

Бугун она-Ватан ўз ўғил ва қизларининг, қўлига қурол олиб ўз ватанпарварлик бурчини охиригача адо этган, Ғалаба баҳори келиши учун ҳамма ишни қилган ҳар бир кишининг мардлиги, жасорати ва қаҳрамонлигини шарафламоқда.

Азиз қаҳрамонлар — фронтчилар, партизанлар ва подпольечилар, байрамингиз муборак бўлсин! Ватан манфаатлари йўлидаги, Ер юзида ҳаёт бўлиши манфаатлари йўлидаги жанговар жасоратингизга шон-шарафлар!

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси деган ва барча совет кишиларига азиз бўлган юксак номни бундан буён ҳам муносиб равишда шараф билан оқлайверингиз!

Бугун мамлакат Ватанимиз ичкарисида кўрсатилган меҳнат шавкати ва мислсиз матонатни, қурол тайёрлаган, металл қуйган, ғалла етиштирган ҳар бир кишини, завод цехларида ва шахталарнинг забойларида, пўлат магистралларда, дала ва фермаларда, илмий лабораторияларда ва конструкторлик бюроларида Ғалабани яқинлаштирган кишиларни шарафламоқда.

Азиз ўртоқлар, байрамингиз муборак бўлсин! Уруш йилларида ҳаёти ва меҳнати: «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» — деган битта мақаддас бурчга бўйсундирилган барча кишиларга шон ва шарафлар бўлсин!

Уруш ва меҳнат ветеранларига нисбатан совет халқининг иззат-ҳурмати ва миннатдорчилиги чексиздир. Ўртоқлар, Ғалаба учун мамлакат сизлардан миннатдордир, бинобарин сизлар ўшанда, қирқ биринчи — қирқ бешинчи йилларда жанг майдонларида, мисли кўрилмаган қизғин меҳнатда кўрсатган жасоратингизни мамлакат ҳеч қачон унутмайди.

Совет кишиларининг тобора янги-янги авлодлари сизларнинг шонли ишларингиз намунаси асосида тарбияланмоқдалар, мардлик, жасорат ва матонатни, коммунистик идеалларга чексиз садоқатни, Ватан даъват этганида ҳамма нарсани енгиб ўтишни, ҳамма нарсага бардош беришга тайёр бўлиб туришни ўрганмоқдалар.

Ғалаба йўлида халқимиз берган қурбонлар ғоят каттадир. Уруш йигирма миллион совет кишисининг ёстиғини қуритди. Деярли ҳар бир оила қариндош-уруғи ёки яқин кишисидан жудо бўлди, уруш алангасидан жафо чекди. Жудолик алами, ҳалок бўлганларнинг дард-қайғуси ҳеч қачон тугамайди. Бироқ уларнинг Ватанга фидо қилган қаҳрамонона ҳаётисиз Ғалаба ҳам бўлмас эди.

Ҳужумга биринчи бўлиб отланган, амбразураларни кўкраги билан берқитган, осмонда ўз самолётини душман самолётига тикка бориб урган, гранаталар билан танк остига ташланган, матрос кийимида душман билан найзабозлик қилган, душман кемаларини чўктирган, эшелонларни ағдариб ташлаган, яшириш фронтда мардонавор жанг қилган, жанг майдонида ажални писанд қилмай қатиқ турган, қийноқлар ҳам, фашистларнинг зиндонлари ва лагерлари ҳам иродасини бука олмаган кишиларнинг ўлмас жасоратлари тўғрисидаги хотира мангу олов алангасида, улуғвор ёдгорликлар ва оддийгина обидаларда, адабиёт ва санъат асарларида, замондошларимиз ва авлодларимизнинг қалбларида ҳамиша сақланиб қолади.

Совет Ватани озодлиги ва мустақиллиги учун жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

Уларнинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб, ҳурмат билан эсга олайлик. (**Ҳамма ўрнидан туради. Бир дақиқа сукут сақланади**).

Ўртоқлар! Кўпгина мамлакатлар билан халқлар герман фашизми ва япон милитаризмининг агрессиясига қарши ягона фронт бўлиб қураштдилар. Совет кишилари иккинчи жаҳон уруши барча қатнашчиларининг умумий душманни тормор этишга қўшган ҳиссасини ёдда тутиб, уни юксак қадрламоқдалар. Уларнинг озодлик, тинчлик ва адолат учун қураштдаги жанговар хизматларини ҳурмат билан эсга олмоқдалар.

Планетадаги барча софдил кишиларга азиз бўлган буюк тарихий воқеанинг қирқ йиллигини совет халқи билан бирга тантанали нишонлаш учун Москвага келган чет эллик меҳмонларни сидқидилдан табриклашга ижозат бергайсиз.

I.

Ўртоқлар! Ўтган уруш Ватанимиз тарихига Улуғ Ватан уруши бўлиб кирди. Ғоят шафқатсиз жангда социалистик Ватан тақдири — халқларимиз эркин бўлиб қоладими ёки асоратга солинадими, миллий давлатчилигига, тили ва маданиятига эга бўладими ёки ҳамма нарсадан маҳрум бўлиб тарихан барҳам топадими деган масала ҳал этилаётганлигини совет кишилари яхши тушунишар эди. Ватан уэра пайдо бўлган ажал хавфи, жуда зўр ватанпарварлик кучи бутун мамлакатни халқ урушига, муқаддас урушга отлантирди. Совет кишилари улуғ Ленин ғояларидан куч олдилар. Уларни тарихимизнинг қаҳрамонона саҳифалари, халқнинг ажнабий золимларга қарши кураши илҳомлантирди. Улар ўз Ватани ҳимоясига отландилар.

Фашистлар Германияси билан урушимиз синфий моҳияти жиҳатидан империализмнинг зарбдор кучлари билан социализмнинг энг катта ҳарбий тўқнашуви бўлди. Ўша пайтда чорак асрга ҳам тўлмаган ёш Совет давлати улуғвор социал ўзгартишларни амалга ошираётган эди. Янги ижтимоий тузум ўзининг бунёдкорлик имкониятларини тобора тўлиқроқ намоён этаётганди. Бизга тинчлик, фақат тинчлик керак эди. Партия ва Совет ҳукумати урушнинг олдини олиш учун ҳамма ишни қилдилар. Бизнинг тащқи сиёсатимиз ва дипломатиямиз шунга бўйсундирилган эди.

Уруш хавфи кучайиб бораётган бир шароитда мамлакат душман ҳужум қилиб қолган тақдирда унга муносиб зарба беришга ҳозирлик кўрди. Партия совет кишиларини ҳушёрлик, фашизмга нисбатан нафрат, социалистик давлатни ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туриш руҳида тарбиялади. У Армияни ишончли қуроллар, замонавий жанговар техника билан таъминлаш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилди. Биринчи беш йилликлар даврида вужудга келтирилган қудратли индустрия негизида мамлакатнинг мудофаа қобилияти мустаҳкамланди.

Ўша суронли уруш бошланмасдан олдин кўп иш қилинган эди. Аммо биз зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммасини турли сабабларга кўра тўла-тўкис ва ўз вақтида бажаролмадик, бажаришга улгурмадик.

(Давоми 2- ва 3-бетларда).

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ЎЛМАС ЖАСОРАТИ

(Боши биринчи бетда).

Урушнинг бошланиши жуда оғир бўлди. Шафқатсиз ва маккор душман бизга ташланди. У ўзининг ҳарбий машинасини ишлатиб кўрган ва босиб олган Европа мамлакатларининг экономикасини ўзига ишлашга мажбур этган эди. Унинг жами ҳарбий-иқтисодий потенциали Совет Иттифоқи потенциалига қараганда икки баравар кўпроқ эди. Қўққисдан ҳужум қилиш душманга афзаллик берган эди. Бизнинг томонимиздан йўл қўйилган баъзи хатоликлар ҳам таъсир қилди.

Қизил Армия шафқатсиз жанглар билан мамлакат ичкарисига чекинди. Москва ва Ленинградгача, Волга ва Кавказгача ана шундай чекинишдан кўра аламли нарса бўлмаган эди. Гитлерчиларнинг босқини халқимиз бошига мисли кўрилмаган кулфатлар, азоб-уқубатлар ва маҳрумликларни солди. Уруш давомида биз ғоят қалтис вазиятларга ҳам тушиб қолдик. Аммо уруш дастлабки кунларданоқ социалистик жамият ҳаётининг бутун уклади бунёдга келтирган маънавий руҳнинг қудратли кучини, мамлакат тақдири ҳар бир кишининг қўлида эканлиги астойдил тушунилаётганлигини кўрсатди. Энг оғир пайтларда ҳам халқ Ғалабага ишончини, партияга, ҳаққоний ишимизнинг тантанасига бўлган ишончни йўқотмади. Совет солдатининг матонати, улуғ халқнинг мардлиги бутун дунёни ларзага келтириб, қойил қолдирди.

Германия генералитети ишлаб чиққан яшин тезлигидаги уруш режаси қирқ биринчи йилдаёқ душман совет тупроғида дуч келган қаҳрамонона зарба билан барбод этилган эди. Брест қалъаси, Москва, Ленинград ва Сталинграднинг, Киев ва Минскнинг, Одесса ва Севастополь, Новороссийск ва Керчнинг, Тула, Смоленск ва Мурманскнинг букилмас мардлигини жаҳон унутгани йўқ. Бироқ шаҳарларнинг ҳимоячилари қаҳрамон бўлган тақдирдагина шаҳарлар ҳам қаҳрамон бўлади. Уруш ҳам буни яққол исботлади. Гитлерчилар армияси СССРга ҳужум қилгунга қадар барча уруш ҳаракатлари майдонида қанча солдат ва офицеридан маҳрум бўлган бўлса, фақат Севастополнинг мудофаа марраларининг ўзидагина душманнинг шунча солдат ва офицери йўқ қилинди. Армиямиз аёвсиз жангларда душманнинг тинкасини қуритиб, тажриба ва куч тўплади, ғалаба қозонишни ўрганди.

Мамлакат бардош бериб, воқеаларнинг боришини буриб юборди. Совет жангчилари Москва, Сталинград ва Ленинград остоналарида, Кавказда фашист галаларини тор-мор этиб, Курск ёйида, Украинанинг ўнг соҳилида ва Белоруссияда, Ясси-Кишинев, Висла-Одер ва Берлин операцияларида душманга қақшатқич зарба берди.

Ҳар бири тарихда мисли кўрилмаган даражада бўлган ана шу жангларнинг ғолибона якунланишини нималар белгилаб берди? Шундай машаққатли бошланган урушни ютиб чиқишда бизга нима ёрдам берди?

Социализмнинг, совет турмуш тарзининг табиати, Улуғ Ватан урушининг умумхалқ характери ғалаба манбаларидир. Ғоят катта синов бўлган уруш айни халқ оммаси тарихнинг ҳал қилувчи кучи эканлигини мислсиз равишда яққол ва реал тасдиқлади. Турли миллатларга мансуб совет кишилари жангларда ва меҳнатда оммавий қаҳрамонлик кўрсатиб, ўз социалистик Ватанини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Уларни улуғ рус халқи жипслаштирди ва илҳомлантирди, рус халқининг мардлиги, сабот-матонати ва букилмас характери ғалабага бўлган қатъий ироданинг илҳомбахш намунаси бўлган эди.

Урушда миллионлаб кишилар иштирок этдилар, аммо улар мисли кўрилмаган кенг миқёсли шу жангда шунчаки бир омма бўлиб курашганлари йўқ. Уларнинг қаҳрамонлигида оддий аскар Александр Матросовдан то маршал Георгий Константинович Жуковгача Улуғ Ватан уруши жангчиларининг юксак шахсий фазилатлари ёрқин намоён бўлди.

Қуролли Кучларимизнинг жанговар байроқлари сўнмас шон-шуҳрат билан бурканган. Октябрь революцияси туфайли бунёдга келган Қизил Армия халқ армияси эди. Ватанга астойдил садоқат, мардлик ва жанговар маҳорат совет солдатига хос хусусиятлар эди. У шафқатсиз жангда ўзининг ғоят юксак маънавий фазилатларини намоён этди. Урушда биз берган ғоят катта қурбонлар, душман қилган ваҳшийликлар унинг онгини кўр-кўрона қасос олиш алами билан хиралаштиргани йўқ. Совет кишиси ғолиб сифатида Германияга қадам қўйиб, ўзининг фашизмга бўлган нафратини немис халқига ўтказмади. Ҳали жанглар давом этаётган бир пайтда у немис халқига тинч турмушни йўлга қўйишга ёрдам бера бошлаган эди.

Илгари мисли кўрилмаган ғоят катта жангларда саркардаларимиз ва ҳарбий бошлиқларимизнинг истеъдоди кенг намоён бўлди. Халқ орасидан чиққан, партия тарбиялаб вояга етказган ана шу саркардалар билан ҳарбий бошлиқлар Ватан ҳарбий санъати энг яхши анъаналарининг муносиб ворислари ва давомчилари эканликларини кўрсатдилар. Кучли, тажрибали душман билан олишувда совет ҳарбий фани ва саркардалик тафаккурининг устунлиги — стратегик жиҳатдан олдиндан кўра билиш, қабул қилинаётган қарорларнинг ижодий руҳда эканлиги, ўртага қўйилган мақсадларга эришишда қатъият ва активлик, солдат ва офицерларнинг юксак жанговар руҳини энг янги техниканинг қақшатқич зарба урувчи қудрати билан бир бутун қотишмадек жипслаштириш қобилияти намоён бўлди. Улуғ Ватан урушидаги атоқли саркардалар ва ҳарбий бошлиқларнинг шонли номларини бутун мамлакат билади. Фронтчилар, Қуролли Кучларимиз, барча совет кишилари улар билан фахрланадилар.

Икки миллион кишилик халқ лашкарлари тузилганлигида, душман вақтинча босиб олган территорияда подпольечиларнинг курашида, партизанлар ҳаракати кенг қулоч ёзганлигида урушнинг умумхалқ характери ўзининг ёрқин ифодасини топди. Фронт чизиғи ортида, душманнинг орқа томонида яна бир фронт партизанлар фронти бор эди. Бир миллиондан кўпроқ халқ қасоскори жангларда иштирок этди. Агрессор оёғи остида ер ёнаётган эди, ана шу муқаддас алангада босқинчиларнинг озмунча дивизияси ажал топгани йўқ.

«Уруш, — деган эди Владимир Ильич Ленин, — ҳар бир миллат барча иқтисодий ва ташкилий кучлари учун синовдир». Совет экономикаси ҳам бу жуда машаққатли синовга шараф билан бардош берди. Саноат ва қишлоқ хўжалигини социалистик асосда ташкил этиш ўз афзалликларини ишонарли тарзда кўрсатди.

Биз ғоят оғир вазиятда, ҳозир ҳам ақл бовар қилмайдиган муддатларда бир ярим мингтадан кўпроқ катта-катта заводларни, талайгина моддий ресурслар ва бойликларни мамлакат ичкарисига ташиб кета олдик. Душман ҳужум қилгандан кейин орада бир йил ўтар-ўтмас Совет Иттифоқининг шарқий районларида барча ҳарбий маҳсулотнинг тўртдан уч қисмидан кўпроғи ишлаб чиқарила бошланди. Социалистик экономиканинг афзаллиги унинг юксак самарадорлигида айниқса яққол намоён бўлди. Биз Германияга ва у босиб олган мамлакатларга қараганда уч-тўрт баравар кам пўлат қуйиб ва шунча кам кўмир қазиб чиқариб, қарийб икки баравар кўп ҳарбий техника ишлаб чиқара бошладик.

СССР ҳарбий экономикасининг самарадорлиги давлат планининг мустаҳкам обрў-эътибори, интизом ва топширилган иш учун қатъий масъулият, ишчилар, колхозчилар, инженерлар, конструкторлар ва олимларнинг ташаббуси, моҳирлиги, дадил тафаккури ва фидокорона меҳнати билан, ишлаб чиқариш командирларининг ташкилотчилик қобилиятлари билан таъминланди.

Даҳшатли хавф-хатар даврида бизнинг мамлакатимиз ҳақиқатан ҳам ягона ҳарбий лагерга айланди. Совет ишчилар синфи мислсиз қаҳрамонлик ва матонат намуналарини кўрсатди. Энг мушкул дақиқаларда ишчилардан иборат батальонлар жанг қилаётган армия сафларига қўшилар, цехлардаги иш ҳатто душман деярли завод деворлари ёнига келиб қолган, снаряд ва бомбалар уларнинг ёнида портлаётган пайтларда ҳам тўхтаб қолмас эди. Ишчилар синфи юксак онглилиги ва уюшқоқлиги билан совет жамиятининг етакчи кучи эканлигини яна бир бор тасдиқлади, Ғалаба учун барча зарур ишларни қилди.

Урушда ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи социалистик қишлоқ хўжалик системаси, колхоз тузуми мустаҳкамлиги синовдан ўтди. Мамлакатнинг асосий ғалла конларини душман босиб олганига, одамлар, техника етишмаслигига қарамай, қишлоқ меҳнаткашлари фронт ва мамлакат ичкарисини озиқ-овқат, саноатни эса хом ашё билан таъминлаб турдилар. Колхозчилар, совхозларнинг, машина-трактор станцияларининг ходимлари душманни тор-мор этиш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилдилар, Ватан олдидаги ўзларининг ватанпарварлик бурчини муносиб равишда адо этдилар.

Совет зиёлилари бутун халқ учун муштарак бўлган Ғалаба қозониш муддаоси билан яшадилар. Олимларимиз, конструкторларимиз ва инженерларимизнинг таланти ҳамда меҳнати билан самолётлар ва танкларнинг, тўплар ва миномётларнинг, бошқа қурол турларининг шундай типлари яратилдики, улар ўз хусусиятлари жиҳатидан душманнинг ҳарбий техникасидан устун эди. Булар ҳақиқатан ҳам Ғалабанинг қудратли қуроли эди.

Публицистиканинг қуролдек ўткир сатрлари ва бадиий прозанинг ёрқин образлари, ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар, фильмлар, спектакллар, шеърлар, плакатлар одамларни руҳлантириб, душманга қарши шиддатли жангга отлантирар эди.

Ёшлик ва йигитлик даври урушга тўғри келган алангали қирқинчи йиллар комсомолларининг, барча ёшларининг жасорати халқ хотирасида хамиша сақланиб қолади. Октябрдан кейин туғилган, социалистик тузум камол топтирган, болалик йиллариданоқ шу тузумнинг революцион, коллективчилик ахлоқи ва психологиясини ўзига сингдириб олган авлод душманга қарши жангга кирди. Бу авлод чўчимади, ўт очиш чизиғига дадил чиқиб, суронли уруш йилларининг барча синовларига бардош берди, шундай ёшларни вояга етказиб, камол топтиришга қодир мамлакатни енгиб бўлмаслигини кўрсатди.

Фронтда шундай бўлган эди; мамлакат ичкарисида ҳам шундай бўлди. Фабрика ва заводларда, колхоз ва совхоз далаларида йигит ва қизлар, ўсмирлар тиним билмай меҳнат қилдилар. Улар чарчаш нималигини билмай ишлашар эди, дейиш одат бўлиб қолган. Лекин улар ҳам чарчашар эди, албатта. Аммо улар ўзларининг меҳнатлари жанг қилаётган Ватанга жуда зарур эканлигини ҳам билишарди. Миллионлаб замондошларимизнинг хотирасида уларнинг уруш йилларидаги ёшлиги, урушга тўғри келган болалиги бугунги кунда ҳам алоҳида азиз бўлиб сақланиб қолмоқда.

Биз совет хотин-қизларининг қаҳрамонлиги тўғрисида чуқур миннатдорчилик туйғуси билан гапирамиз. Ҳа, уруш хотин-қизларнинг иши эмас. Аммо улар хавф-хатарни писанд қилмай, эркаклар билан баб-баравар ҳужумга бордилар, манфур душманга қарши ботирларча жанг қилдилар, солдатларни жанг майдонидан олиб чиқиб, уларни медсанбат ва госпиталларда парвариш қилдилар. Миллионлаб жангчилар хотин-қизларнинг жасурлиги ва шафқати туфайли омон қолдилар. Халқ уларнинг меҳнат фронтидаги шонли жасоратларини ҳам ҳеч қачон унутмайди. Совет хотин-қизлари зўр ирода кўрсатиб, сўнмас муҳаббат ҳароратини сақлаб қолиб, уруш даври турмушининг барча машаққатларига, жудолик аламларига бардош бердилар. Биз совет ватанпарвар хотин-қизлари билан чексиз фахрланамиз, Ғалаба йўлида улар қилган барча ишлардан биз астойдил миннатдормиз.

Фашистлар мамлакатимизга қарши агрессияни режалаштира туриб, Совет Иттифоқи халқларини ўзаро тўқнаштиришга, миллий адоватни авж олдиришга умид боғлаган эдилар. Воқелик бу умидларни чиппакка чиқарди. Уруш агрессорга қарши курашиш учун мамлакатдаги барча миллат ва элатларни шу қадар маҳкам жипслаштирган бошқа бир шундай мисолни инсоният билмайди. Ленинча миллий сиёсатнинг донолиги ва узоқни кўра билганлиги халқларнинг қардошларча бирлигида зўр куч билан намоён бўлди. Улуғ социалистик иттифоқ мустаҳкам ва енгилмас бўлиб қолаверди.

Партия, унинг Марказий Комитети, ВКП(б) Марказий Комитети Бош секретари Иосиф Виссарионович Сталин бошчилигида Мудофаа Давлат Комитети фронтдаги ва мамлакат ичкарисидаги ғоят катта ишга раҳбарлик қилди.

Партия комитетлари чинакам жанговар штаблар, омманинг сиёсий ташкилотчилари бўлиб қолди. Ҳамма жойда— солдат окопларида, партизанлар отрядлари ва подпольеда партия ташкилотлари ишлаб турди. Сиёсий ходимлар оташин сўзи, шахсий намунаси билан жангчиларни руҳлантирдилар. «Правда» газетаси 1942 йилда қуйидагиларни ёзган эди: «Қўлида автомат ушлаган, ниқоб либоси ва каска кийган, олдинда бориб жангчиларни юксак ва олижаноб мақсад — герман фашистларини тор-мор этиш ва ўз Ватанини озод қилиш мақсадига эришиш йўлида ўзига эргаштириб бораётган сиёсий раҳбар қиёфаси шонли ва фахрли қиёфалардан бири сифатида Улуғ Ватан уруши тарихига киради».

Коммунистлар курашнинг энг хатарли, энг масъулиятли участкаларига бордилар. Ўша йилларда ҳар беш коммунистнинг тўрт нафари қўшинларда ёки мудофаа корхоналарида эди. Марказий Комитет аъзолари, энг яхши партия кадрлари қўшинлар ва мудофаа корхоналарига юборилган эди. Фашист босқинчиларига қарши жангларда уч миллион коммунист ҳалок бўлди. Ўша қаҳрамонона йилларда беш миллиондан кўпроқ киши партия сафига кирди.

Ленин партияси курашаётган халқ билан бир жон бир тан бўлиб жанг қилаётган партияга айланди. Тарихимизнинг энг қийин—уруш даврида партия Ватан тақдири учун ўзининг ғоят катта масъулиятига муносиб юксак даражада бўлди ва мамлакатни ғалабага олиб келди. Уруш йилларида партиямизнинг маънавий-сиёсий обрў-эътибори мустаҳкамланди, коммунист номи халқ назарида яна ҳам юқори кўтарилди. Зотан биз, Ленин партиясининг аъзолари буни ҳамиша қадрлаб, шу билан фахрланаверамиз.

Урушда қуролимиз, экономикамиз ва сиёсий тузумимизгина ғалаба қилиб қолмади. Бу— ғоялар ғалабаси бўлдики, шу ғоялар деб революция амалга оширилган, совет кишилари жанг қилиб, ҳалок бўлишган эди. Бу—юксак инсонпарварлик ва адолат принципларини элтувчи идеологиямиз ҳамда ахлоқимизнинг инсон зотига душман фашизм идеологияси устидан қозонган ғалабаси эди.

Совет Армияси ўзининг буюк халоскорлик вазифасини шараф билан адо этди. У асоратга солинган Европага халоскор сифатида келди, урушга ва фашизмга барҳам бериш учун, Европа халқлари мустаҳкам ва ишончли тинчлик шароитида яшашлари учун жанг қилди.

Биз Ғалаба кунини нишонлар эканмиз, АҚШ, Буюк Британия, Франция иттифоқчи армияларининг солдатлари кўрсатган ҳарбий шавкатни муносиб баҳолаймиз. Биз Югославия халқи билан унинг халқ озодлик армиясининг матонати ва мардлигини ҳеч қачон унутмаймиз. Босиб олинган, аммо тиз чўкмаган Польшанинг фидокорона курашини юксак даражада ҳурмат билан эсга оламиз. Польша қўшини ва Чехословакия армияси совет тупроғида, сўнгра эса ўз мамлакатларини озод қилишда ҳам бизнинг жангчиларимиз билан елкама-елка туриб жанг қилдилар.

Болгария, Руминия партизанлари, яширин иш олиб борган ватанпарварлари, урушнинг сўнгги босқичида эса армиялари ва Венгриянинг ҳарбий қисмлари гитлеризмни тор-мор этишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Албания ва Греция халқлари босқинчиларга қарши қаттиқ жанг қилдилар. Немис коммунистлари, барча антифашистлар гитлерчилар режимига қарши мардонавор олиб борган тенгсиз курашни унутганимиз йўқ.

Совет кишилари қаршилик кўрсатиш ҳаракати жангчиларининг жасоратига юксак баҳо бермоқдалар. Франция, Италия, Норвегия, Дания, Бельгия, Голландия ва Ғарбий Европадаги бошқа мамлакатларнинг коммунистик партиялари шу ҳаракатнинг биринчи сафларида бордилар. Улар халқларни нацистлар истибдодига қарши, ўз озодлиги ҳамда миллий мустақиллиги учун курашга отлантирдилар ва жипслаштирдилар. Кўпгина коммунистлар душман устидан ғалаба қозониш йўлида жонларини фидо қилдилар. Франция Компартияси отиб ташланганлар партияси сифатида тарихга кирди.

Иккинчи жаҳон урушидаги иттифоқчилик мажбуриятларига охиригача содиқ бўлиб қолган мамлакатимиз милитаристик Японияни тор-мор этишда ғоят катта роль ўйнади. Биз улуғ Хитой халқи билан мустаҳкам жанговар ҳамдўстликда ҳаракат қилдик. Монголия Халқ Республикасининг жангчилари биз билан бирга умумий душманнинг додини бердилар. Вьетнам, Корея, Осиёдаги бошқа мамлакатларнинг ватанпарварлари япон босқинчиларига қарши қаттиқ кураш олиб бордилар.

Ўша давр воқеаларига қайтиб, халқларнинг умумий душманга қарши биргаликдаги жангини эсга олиб, биз иккинчи жаҳон урушининг тақдири совет—герман фронтида ҳал бўлганлигини фахр билан қайд этамиз. Фашист агрессори барча талофотларининг 70 процентдан кўпроғини айни шу фронтда кўрди.

Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги жасорати буюк ва унутилмасдир. Уруш йиллари мислсиз кўп нарсани — жудоликлар аламини ва ғалаба бахтини, шиддатли жанглардаги жасоратни ва меҳнат билан ўтган оддий кунларнинг камтарона улуғворлигини ўз ичига олди.

Бизнинг ғалабамиз Совет Иттифоқининг халқаро обрў-эътиборини баланд кўтарди. Бу ғалаба совет кишиларининг ватанпарварлик туйғуларини жўш урдириб юборди. Биз учун ғалаба илҳом манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда, биз жуда катта бунёдкорлик режаларини амалга ошириш, Ватанимизнинг — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қудратини мустаҳкамлаш ва уни янада равнақ топтириш учун ана шу манбадан ҳамиша куч-ғайрат олаверамиз.

Улуғ Ватан урушидаги Ғалаба—биз ҳамиша нишонлайдиган байрамдир.

II.

Ўртоқлар! Тинчлик шароитида яшаш ва меҳнат қилиш имконияти — Ғалаба бизга берган энг асосий, энг қимматли нарсадир. Уруш синови ижтимоий тузумимиз енгилмаслигини, унинг ҳаётий кучлари битмас-туганмас эканлигини кўрсатди.

Тинчлик вақти ўзининг юксак талабларини қўяди, жамиятнинг экономикани муттасил ўстиришни, ижтимоий муносабатларни тўхтовсиз такомиллаштиришни, кишиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашни таъминлай олиш қобилиятини қаттиқ синовдан ўтказади.

Ўтган қирқ йил якунини чиқара туриб, шуни тўла асос билан айтиш мумкинки, социализм тинч ривожланиш йўлларида ҳам ўзининг ғоят катта имкониятлари ва афзалликларини ишонарли тарзда намойиш этди.

Кекса авлодга мансуб кишилар босқинчилардан озод қилинган районлар қандай мудҳиш вайроналарга айланиб қолганлигини: ерлар тилка-пора бўлганлигини, уйлар култепаларга айланганлигини, домналар ўчиб, шахталар ишламай қолганлигини унутганлари йўқ. Қарийб 1700 шаҳар ва посёлка, 70 мингта қишлоқ ҳаробага айланган эди. Салкам 25 миллион киши бошпанасиз қолганди. Бир неча ўн минглаб саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари ишдан чиқарилган эди. Халқ меҳнати билан яратилган мамлакат миллий бойлигининг деярли учдан бир қисмини уруш алангаси ютиб юборди. Энг даҳшатли, қайтариб бўлмас жудолик — миллионлаб совет кишиларининг ҳалок бўлганлигини ҳеч қачон ва ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Социализм ғанимлари мамлакатимизга келтирилган вайронгарчилик ва зарар уни қолоқликка ва ғарбга қарамликка маҳкум этади, деб умид қилган эдилар. Аммо улар бу сафар ҳам хато қилдилар. Ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг астойдил, фидокорона меҳнати душман вайрон этган шаҳар ва қишлоқларни, завод ва фабрикаларни култепалардан қайта тиклади. СССРга урушдан олдинги ишлаб чиқариш даражасига етиб олиш учун саноатда атиги уч йил ва қишлоқ хўжалигида эса беш йил кифоя қилди.

Бу совет кишилари урушдан кейинги машаққатли йилларда кўрсатган яна бир жасорат, бунёдкорлик соҳасидаги жасорат эди. Бу жасорат социалистик қурилишнинг улуғвор мақсадлари илҳомлантираётган халқ нималарга қодир эканлигини жуда чуқур кўрсатиб берди. Ўша пайтдан буён мамлакат иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий тараққиётнинг барча йўналишларида олға томон жуда илгарилаб кетди.

Бугунги кунда совет жамияти — экономикаси юксак даражада ривожланган жамиятдир. Мамлакатнинг миллий даромади урушдан олдинги даражага нисбатан 16 баравардан зиёд ўсди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 24 баравар кўпайди. Бизнинг индустриямиз ривожланган капиталистик давлатлардагига қараганда икки баравар тезроқ ривожланиб борди. Ҳозир СССР чўян ва пўлатни, нефть ва газ, цемент ва минерал ўғитларни, станоклар, тракторлар ва ғалла комбайнларини, бошқа кўпгина маҳсулот турларини дунёдаги ҳар қандай давлатга қараганда кўпроқ ишлаб чиқармоқда.

Ишлаб чиқаришнинг структурасида ва илмий-техникавий даражасида чуқур ўзгаришлар содир бўлди. Атом, ракета-космик, электрон ва микробиология каби янги саноат тармоқлари вужудга келтирилди. Марказда ва Уралда, Сибирда ва Узоқ Шарқда, Ўрта Осиё ва Закавказьеда — барча регионларда қудратли ишлаб чиқариш комплекслари таркиб топди ёки шаклланиб бормоқда. Мамлакатни энергетика линиялари, нефть қувурлари ва газ магистралларининг зич тармоғи қоплаб олди. Каналлар минглаб километрта чўзилди, бир вақтлар қуруқ бўлган чўлларнинг қиёфаси ўзгарди, ботқоқ ва захкаш ерлар унумли бўлиб қолди. Ватаннинг иқтисодий харитаси шу ўн йиллар мобайнида ҳақиқатан ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи — унинг бунёдкорлик потенциали анча ўзгарди. Эндиликда СССР малакали, юксак даражада маълумотли кадрларга эга. Ишчи ва колхозчиларнинг касб маҳорати, умумий маданият ва махсус билим савияси анча ошди. Мамлакатимизда инженер ва олимларнинг энг катта отряди вужудга келди. Урушдан кейинги даврда совет фани ва техникавий тафаккури жаҳон фан-техника тараққиётининг энг муҳим йўналишларида ғоят катта муваффақиятларни неча марталаб намойиш этди. Совет Иттифоқида биринчи атом электр станцияси ва биринчи атом музёрар кемаси қурилди, биринчи йўлдош учирилди. Совет гражданини Юрий Гагарин ерни космик орбита баландлигидан кўрган биринчи инсон бўлган эди.

Бугунги кунда совет жамияти — халқ фаровонлиги муттасил ошиб бораётган жамиятдир. Экономикани тез юксалтириш халқ хўжалиги потенциалини тобора кўпайтиришга эътиборни сусайтирмай, меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш томон бурилишни бошлаш, бу соҳада ҳам зўр таассурот қолдирадиган натижаларга эришиш имконини берди. Аҳоли жон бошига реал даромадлар урушдан олдинги даражадан 6 баравардан зиёд ошиб кетди. Уй-жой қурилиши жуда кенг қулоч ёзди. Касалхоналар ва поликлиникалар, болалар боғчалари ва яслилар, маиший хизмат муассасалари сезиларли даражада кўпайди.

Бугунги кунда совет жамияти — халқ юксак даражада маълумотли ва маданиятли, унинг маънавий турмуши бой жамиятдир. Урушдан олдин асосан жисмоний меҳнат билан банд бўлган ходимлар орасида ҳар юз кишидан фақат беш киши олий ёки ўрта маълумотли эди, эндиликда эса уларнинг сони кўпайиб, 82 кишига етди. Замондошимиз — маданий ва сиёсий билим доираси кенг, юксак интеллектуал эҳтиёжлар соҳиби бўлган кишидир.

Бугунги кунда совет жамияти — энг катта социал проблемалар ҳал қилинган жамиятдир. Ижтимоий муносабатларнинг бутун системаси янги етуклик поғонасига кўтарилди, ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг иттифоқи мустаҳкамланди. Биз шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат ўртасидаги сезиларли тафовутларни бартараф этиш йўлида яна ҳам олға силжидик. Миллатлар ва элатларни равнақ топтириш уларни бир-бирига ҳар томонлама яқинлаштириш билан узвий қўшиб олиб борилмоқда. Ягона оила — янги, тарихда мисли кўрилмаган социал ва интернационал бирлик бўлмиш совет халқига мансублик туйғуси ҳар бир кишининг онги ва қалбидан чуқур жой олди.

Бугунги кунда совет жамияти — чинакам, реал демократия, гражданларнинг қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, уларнинг юксак масъулияти жамиятидир. Меҳнаткашларнинг ўз мамлакати, ўз коллективи ишларида иштирок этиши тобора кенгайиб, актив тус олмоқда, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариш системаси такомиллаштирилмоқда.

Буюк Ғалабадан кейин орадан қирқ йил ўтгач, Совет Иттифоқи гуллаб-яшнаб турган, коммунистик келажак йўлини комил ишонч билан очиб бораётган қудратли давлатга айланди.

Бизнинг муваффақиятларимиз яққол кўриниб турибди аммо, тараққиёт диалектикаси тақозоси билан эгалланган марралар тарихий уфқларни кенгайтира боради, халқ олдига тобора мураккаб, масъулиятли вазифаларни қўяди. Ҳозир бизнинг олдимизда ҳам шундай вазифалар турибди. Бу вазифаларнинг моҳияти жамиятнинг — унинг экономикаси, социал-сиёсий муносабатлари ва тартиб — қоидалари системасининг миллион-миллион совет кишилари меҳнат ва турмуш шароитлари жамики йиғиндисининг янги сифат ҳолатига эришиш заруратидан иборат.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми етилган энг зарур проблемаларни ҳал этишга бағишланди. Партия совет жамиятининг социал-иқтисодий тараққиётини ғоят жадаллаштиришни шу кунларимизнинг бош вазифаси деб билади. Бу вазифани турмушнинг бутун бориши —ҳам ички шароитлар, ҳам халқаро вазият ўртага қўйди. Гап, аввало фан-техника тафаккурининг энг янги ютуқларига батамом таянувчи халқ хўжалигини жадал ва услуксиз ривожлантириш ҳақида бормоқда. Бу — халқ фаровонлигини янада ўстиришни, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашни, ривожланган социализмни ҳар томонлама такомиллаштиришни таъминлаш имконини берадиган асосдир.

Ресурслардан энг яхши тарзда фойдаланиб, юксак пировард натижаларга эришиш— ҳозирги иқтисодий ривожланишнинг бош мезонидир. Вужудга келган иқтисодий вазиятни мана шу нуқтаи назардан баҳолаш зарур. Биз унумли меҳнатнинг, маҳсулот сифатининг, умуман ишлаб чиқариш самарадорлигининг энг илғор марраларига тез вақт ичида, тарихан қисқа муддатда чиқиб олишимиз лозим. Замоннинг қатъий талаби— шу.

Фан-техника тараққиёти — шу мақсадга эришишнинг асосий йўлидир. Ривожланишимиз суръатлари, капитализм билан иқтисодий мусобақанинг бориши биз фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, фан ва техника ютуқларидан халқ хўжалигида самарали ва тез фойдаланиш проблемасини қандай ҳал этишимизга боғлиқ.

Хуллас, янги тарихий босқичда совет жамияти олдида ғоят кенг миқёсли вазифалар турибди. Бизнинг ихтиёримизда бу вазифани муваффақиятли ҳал қилиш учун ҳамма имкониятлар бор ва белгиланган мақсадларга албатта эришамиз.

Социалистик системанинг афзалликлари янги тарихий шароитларда ҳам совет жамиятига яхши хизмат қилишига аминмиз. Аммо, бунинг учун социалистик хўжалик юритиш, иқтисодий ва социал бошқариш формалари ҳамда методларини замонавий шароитларга, шунингдек истиқболдаги ривожланиш эҳтиёжларига мувофиқ ҳолга келтириш учун зудлик билан ва кўп жиҳатдан янги тадбирларни кўриш муҳимдир. Бизнинг бошқарувни такомиллаштириш стратегиямиз Лениннинг «социализм бундай олға қараб ўз йўли билан, ўз усуллари — яна аниқроқ қилиб айтсак, **совет усуллари** билан бормоғи керак» деган ғоясига асосланади. Хўжалик механизмига ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни, сифат кўрсаткичларини яхшилашни максимал равишда рағбатлантирадиган форма ва структураларни сингдириш, уни фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга мослаш лозим.

Халқнинг жонли ижодкорлиги — барча ютуқларимизнинг гаровидир. Меҳнаткашларнинг ўз социалистик Ватани тақдиридан чуқур манфаатдорлиги, уларнинг ғайрат-шижоати ва сиёсий активлиги — мана шу омиллар жамиятнинг тараққиётини доимо қудратли равишда жадаллаштириб келди ва ҳозир ҳам жадаллаштирмоқда, ҳамма қийинчилик ва тўсиқларни муваффақиятли бартараф этишга имкон бериб келди ва имкон бермоқда. Модомики, шундай экан, бугунги кунда омманинг ижтимоий ташаббусига имкони борича кенг уфқ очиб қўйиш, бу ташаббусни социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг туб проблемаларини ҳал этишга қаратиш муҳимдир.

Инсоннинг социал адолат принципи муттасил рўёбга чиқишига ишончи меҳнат аҳлининг активлигини бошқа ҳар қандай омилдан кўра кўпроқ қулф урдиради. Бу йўлда партия ҳамма ишни қилади. Социалистик принциплардан четга чиқиш ҳолларига, турли-туман салбий ҳодисалар йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш, меҳнат қилмай, даромад олинадиган ҳамма манбаларни беркитиб қўйиб, айни вақтда ҳалол ва самарали меҳнат учун моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг ролини ошириш — муҳим социал-иқтисодий, сиёсий ва ғоявий-тарбиявий вазифаларни ҳал этиш демакдир, миллион-миллион меҳнаткашларни белгиланган режаларга эришишдан чуқур манфаатдор қилиш, уларнинг онглилиги ва уюшқоқлигини янада баланд кўтариш демакдир.

Партия Марказий Комитети КПССнинг навбатдаги XXVII съездига ҳозирлик кўрар экан, партиянинг сиёсий йўли ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларига, меҳнаткашларнинг энг кенг табақалари манфаатлари ва орзу-умидларига жуда тўла-тўкис мувофиқ бўлиши учун тегишли чораларни кўрмоқда. Бу мақсад йўлида у ўз ишини, партия ва давлат раҳбарлиги формаларини доимо такомиллаштирмоқда.

Ленин таълим берганидек, «обрў кучи билан, ғайрат кучи билан, тажрибаси зўрлиги билан, ҳар томонлама иш кўрсата билиши, қобилияти зўрлиги билан» иш кўриш маҳорати ҳозир биз учун бениҳоя муҳимдир. Гаплар, сўз бериш ва ваъдалар камроқ бўлсин, реал ишлар, амалий натижалар, масъулият ва принципиаллик, ишдаги аҳиллик, одамларга эътибор, шахсий камтаринлик кўпроқ бўлсин — барча кадрларга, уларнинг ғоявийлиги ва омилкорлигига баҳо беришнинг бош мезони мана шундан иборат, иш услуби ва методларига партиявий талабларнинг моҳияти мана шундан иборат.

Социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун, ҳамма жойда қатъий тартиб бўлиши, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш учун курашни совет кишилари астойдил маъқуллаб, тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар. КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, Совет ҳукумати халқнинг партия сиёсатига ишончини юксак қадрлайдилар ва бу ишончни оқлаш учун бутун кучларини сарфлайдилар.

Партиянинг бутун сиёсати совет кишиларининг ижодий куч ва қобилиятларига чуқур ишончга асосланади. Ошкора жангда душманни енгиб чиққан, урушдан кейинги тикланишнинг оғир йилларида матонат билан бардош берган, ўз социалистик Ватанини ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришган халқ янги тарихий шароитларда ҳам ғалаба қилади, даврнинг ҳар қандай талабига муносиб жавоб беради.

Партия мамлакат олдида турган вазифаларни, уларни муваффақиятли ҳал этиш йўлларини равшан кўриб турибди, совет кишиларини халқ фаровонлигини янада ошириш йўлида экономикани янада қудратли равишда юксалтиришни таъминлашга сафарбар қилмоқда. Бу эса совет кишилари даҳшатли уруш йилларида ва тинч социалистик қурилиш йилларида фидокорона кураш билан олиб борган ишнинг муносиб равишда давом эттирилишидир.

III.

Ўртоқлар! Бугун биз қирқ бешинчи йилнинг музаффар баҳорига фикран ва қалбан назар ташлар эканмиз: Биз, фарзандларимиз ва набираларимиз тинчликда, бахтиёр яшашимиз учун жанг қилган миллион-миллион кишиларнинг умидлари рўёбга чиқдими? — деб табиий савол берамиз.

Ҳа, рўёбга чиқди! Бироқ, ҳали бизлар, ҳозир яшаб турганлар ва келажак авлодлар учун инсониятнинг умумий уйи бўлмиш планетамизни сақлаб қолиш, урушни абадул-абад одамлар турмушидан соқит қилиш йўлида кўп иш қилиниши лозим.

Қирқ йил — ҳар қандай ўлчовда ҳам оз муддат эмас. Замон ўз ҳукмини ўтказмоқда: Ғалабадан кейин туғилган кишилар ўсиб, вояга етди, уларнинг фарзандлари катта бўлиб қолди. Кўпчилик учун иккинчи жаҳон уруши уларнинг шахсий тажрибаси билан боғлиқ бўлмаган воқеадир. Аммо уруш шундай мерос қолдирдики, унинг якунлари ва сабоқлари жаҳон тараққиётининг бутун бориши ва характерига, одамларнинг онгига ҳамон таъсир қилиб келмоқда.

Европа ерларида ва океанларнинг кенгликларида дастлабки жанглар бошланиб кетишидан анча аввалроқ иккинчи жаҳон урушига ҳозирлик кўрила бошлаган эди. Гитлеризмнинг ҳокимият тепасида қарор топишига бир хил сиёсатчилар қаршилик қила олмаган, бошқалари эса қаршилик қилишни хоҳламаган пайтда инсоният боши узра уруш даҳшатли кўланка сола бошлаган эди. Ҳукмрон фашистлар тўдасининг қуролланишига, агрессия потенциалини кучайтиришга, ҳарбий авантюраларга тайёргарлик кўришига кимлар ва қандай қилиб ёрдам берганини эндиликда биз ўша пайтдагидан кўра кўпроқ ва яхшироқ биламиз.

Монополистик капитал етакчи гуруҳларининг Германия фашизмини Шарққа юриш бошлашга ундаб, унинг экспансиясидан фойдаланиб қолиш йўлидаги уринишлари учига чиққан сиёсий масъулиятсизлик бўлган эди. Мюнхен тил бириктируви Гитлерни Совет Иттифоқига ҳужум қилишга зўр бериб гиж-гижлаган кимсалар шаънига абадий тавқи лаънат бўлиб қолади. Ҳаддан ташқари фаромушхотир кишиларгина буни эсдан чиқаришлари мумкин.

Буржуа сиёсат ва давлат арбобларидан 30-йилларда қайсилари ростдан ҳам адашганлар-у, қайсилари синфий ғараз билан иш тутганликлари ҳозир унчалик муҳим эмас. Тарих ўзининг айблов ҳукмини ўзгартирмайди: Ғарб давлатларининг «Мюнхен сиёсати», уларнинг Гитлер агрессиясига йўл қўйиб бериши Европанинг барча халқлари учун оғир фожиага айланди. Совет Иттифоқининг зўр бериб қилган даъватларига қарамай, нацист авантюрачиларни тўхтатиш учун ягона фронт бўлиб чиқишдан бош тортган кимсаларнинг йўли жиноий йўл эди. Рўй берган фалокат учун замон уларнинг зиммасидаги жавобгарликни ҳеч қачон кечирмайди. Ғарбнинг ўша пайтдаги раҳбарлари социализмга адоват туфайли кўзлари хиралашиб қолмаганида фалокатнинг олдини олиш мумкин эди, бу фалокат бошланиб кетганлиги учун уларнинг зиммасидаги жавобгарликни замон ҳеч қачон кечирмайди.

Афсуски, тарих такрорланмоқда. Ҳозир дунёни жар ёқасига, бу сафар ядро жаҳаннамига судраётган кимсаларнинг кирдикорларига нисбатан хушёр бўлиб туриш ҳақида гап бораётганлиги ҳар қачонгидан ҳам равшандир. Бизнинг давримизда инсониятга қайси томондан хавф солинаётганини очиқ-ойдин ва тўла-тўкис тасаввур қилмоқ керак. Совет Иттифоқи таҳликали хавф-хатардан огоҳлантириб, бу ҳақда урушдан аввалгидек зўр куч билан гапирмоқда. Нацизм «совет ҳарбий хавфи» деб аюҳаннос солиб фойдаланмоқчи бўлган ёвуз ниятли афсона ҳозир ҳам пеш қилинаётганлиги важидан бу ҳақда гапиришга тўғри келмоқда.

(Давоми учинчи бетда).

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ЎЛМАС ЖАСОРАТИ

(Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Тарихни соҳталаштирувчилар уни қайтадан ёзишга нечоғлик уринмасинлар, айни Совет Иттифоқи яқинлашиб келаётган фашизм хавфи ҳақида бонг уриб, огоҳлантирган биринчи давлат бўлганини жаҳон халқлари биладилар. Айни коммунистлар, фашизм эндигина вужудга келаётган пайтда унга қарши курашнинг аниқ программасини таклиф қилган эдилар. Ниҳоят айни Совет Иттифоқи ҳаддидан ошган агрессорни жиловлашга қаратилган бир қанча таклифларни ўртага қўйди. Аммо, бу таклифларнинг ҳаммаси ўшанда ҳам «коммунистик пропаганда» деб эълон қилинган эди.

Деярли бутун Европа оккупация қилиб олинганидан кейин, Париж босиб олиниб, Лондон бомбардимон қилина бошланганидан сўнг, Пирл-Харборга ҳужум қилинганидан кейингина мунофиқона мўлжаллар барбод бўлди ва асоссиз умидлар пучга чиқди. Совет Армияси ажойиб ғалабалар қозонганидан кейингина фашизмга қарши курашда Совет давлати билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги аҳдномалар тузукроқ моддий куч касб эта бошлади.

Фашизм хавфининг кенгайиши Ғарб сиёсатчиларини дунёга реал назар билан қарашга мажбур этди. Гитлеризмга қарши коалициянинг бутун тажрибаси шуни шак-шубҳасиз исботлаб турибди: ўз социал табиатига кўра, бир-бирига қарамақарши бўлган давлатлар умумий душманга қарши курашда куч-ғайратларини бирлаштиришлари, биргаликдаги мақсадга эришиш йўлида ўзаро мақбул қарорларга келиб, самарали ҳаракат қилишлари мумкин.

Иттифоқчилар бизнинг мамлакатимизга моддий ёрдам берганликларини совет кишилари унутганлари йўқ. Тўғри, бу ёрдам, Ғарбда завқ билан гапирилаётганидек, унчалик катта бўлмади, аммо биз бу ёрдамни биргаликдаги ҳаракат тимсоли деб билиб, бунинг учун миннатдор бўлиб қоламиз. Ғарчи кечикиб бўлсада, Европада иккинчи фронтнинг очилиши умумий ғалабага қўшилган муҳим ҳисса бўлди.

Коалиция мамлакатлари ҳамкорлигининг қулай муҳити, фашизм тор-мор этилганидан кейинги дунёдаги янги вазият реал тарзда тушуниб олинганлиги урушдан кейинги аҳволни бартараф этишда, иттифоқчиларнинг Теҳрон, Ялта ва Потсдамдаги конференциялари қарорларида ҳам ифодасини топди. Бу қарорлар, шунингдек БМТ Устави ана ўша йиллардаги бошқа халқаро битимлар ҳамкорлик руҳи билан суғорилган эди. Бу ҳужжатлар урушдан кейинги тузилишнинг, шу жумладан, территориал тузилишнинг мураккаб масалалари орзиқиб кутилган тинчлик мақсадларига мувофиқ равишда ҳал этилишини таъминлади.

Дунёдаги ҳамма халқларнинг ядро уруши хавфидан иборат битта умумий душмани, шу хавфни тугатишдан иборат битта энг бош вазифаси пайдо бўлган бугунги кунда мана шуларнинг ҳаммасини эслатиш айниқса, ўринлидир.

Империалист кучлар шу асрда икки марта қонли жаҳон уруши бошлаб, шу йўл билан **ўзларининг** синфий вазифаларини ҳал этишни, **ўз позицияларини** мустаҳкамлашга эришишни, **ўзларининг** ғаразли мақсадларини рўёбга чиқаришни таъминлашни умид қилдилар. Аммо тарих бошқача ҳукм чиқарди. Ўзининг жазосиз қолишига қаттиқ ишонган, халқаро ҳуқуқ босқинчининг панжаси билан ёзилишига ишонган сурбет империализмнинг авантюраси тарзида бошланган иккала уруш, такрор айтаманки, мана шу иккала авантюра уларнинг бевосита ташаббускорлари тор-мор бўлиши билангина тугаб қолмай, шу билан бирга ҳар сафар урушларни келтириб чиқарадиган системанинг ўзини кризисли ларзаларнинг бутун бир даврига дучор қилганига ажабланмаса ҳам бўлади, ажабланишнинг ҳожати ҳам йўқ.

Совет халқи Ватан озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш билан бирга жаҳон цивилизациясини фашизмдан қутқариб қолишдек буюк интернационал вазифани ҳам ҳал этди. Фашизм тор-мор этилиши натижасида тараққийпарвар, демократик кучларнинг позициялари мустаҳкамланди, бу эса Европа ва Осиёнинг бир қанча мамлакатларида янги ижтимоий тузумнинг ғалаба қозонишига олиб келди. Немислар диёрида ҳам ишчи ва деҳқонларнинг биринчи давлати дунёга келди. Нацизмга ва япон империализмига қарши халқ кураши, омманинг чуқур социал ўзгаришлар йўлидаги муддаоси билан узвий қўшилиб кетган кураш давомида социализм ғояларининг жозибадорлиги яққол кучайди, кўпгина мамлакатларнинг Коммунистик партиялари мустаҳкамланиб, қудратли кучга айланди.

Урушдан кейинги йилларда жаҳон социализм системаси вужудга келиб, катта йўлни босиб ўтди, социалистик давлатларнинг ҳамдўстлиги ташкил топди. Ер юзида мустаҳкам қарор топган янги ижтимоий тузум ўзининг умри боқий эканини исботлади. У миллион-миллион кишиларнинг ижодий кучларини қулф урдирди, қисқа муддатларда тарихий миқёсдаги зафарларга эришиш имконини берди. Ҳозир социализм инсониятнинг тараққиётига ва унинг келажагига зўр таъсир ўтказаётган, тинчликнинг енгилмас омили ва халқлар хавфсизлигининг кафолоти бўлган қудратли жаҳон системаси сифатида иш кўрмоқда.

Улуғ ҳамдўстлик давлатлари ўз сиёсатини келишиб олишнинг бебаҳо тажрибасига ва пухта механизмига эга бўлиб турибди. Бу давлатлар халқаро масалаларда бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоқдалар, тинчлик ва қуролсизланиш ишини, тинч-тотув яшаш принципларини изчиллик билан қатъий туриб ҳимоя қилмоқдалар. Бу соҳада Варшава Шартномаси ташкилоти, унинг Сиёсий маслаҳат комитети, иттифоқчи давлатларнинг Бирлашган Қуролли Кучлари алоҳида роль ўйнайди. Модомики, ҳали тинчлик ва хавфсизликка солинаётган таҳлика тугатилмаган экан, Варшава Шартномасига аъзо бўлган мамлакатлар ўзларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш учун бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўраверадилар. Шартноманинг амал қилиши навбатдаги муддатга узайтирилганлиги ва буни Шартноманинг ҳамма қатнашчилари якдиллик билан маъқуллаганликлари фикримизнинг тасдиғидир.

Мустамлакачилик барбод бўлганлиги ҳам урушдан кейинги дунёдаги чуқур ўзгаришларнинг натижасидир. Ўтмишдаги мустамлакалар ва ярим мустамлакалар ўрнида ўнлаб мустақил давлатлар вужудга келди. Тўғри, уларнинг тараққиёти бир текис бормади, бу йўлда ютуқлар ва маглубиятлар, муваффақиятлар ва фожиалар ҳам бўлди. Тўғри, ривожланаётган мамлакатлар ҳали ўтмишдан мерос бўлиб қолган, шунингдек янги мустамлакачилик сиёсати вужудга келтирган жуда мураккаб муаммоларни ҳал этишларига тўғри келади.

Бироқ ҳозир мустамлакачилик деярли тўла-тўкис тугатилибгина қолмай, шу билан бирга қўпгина ёш миллий давлатлар жаҳон сиёсатида тобора салмоқли прогрессив роль ўйнаётганликлари ҳам тўғридир. Бу давлатлар социалистик давлатларнинг актив мадади билан дунёда янги, адолатлироқ иқтисодий тартиб ўрнатилиши учун сабот билан курашмоқдалар. Қўшилмаслик ҳаракати ҳозирги халқаро турмушнинг муҳим омили бўлиб қолди.

Ўртоқлар, Ғалабадан кейинги қирқ йил мобайнида дунёнинг сиёсий манзараси тубдан ўзгариб кетганини кўриб турибмиз.

Империализмнинг ҳукмронлик доираси сезиларли равишда торайди. Унинг найранг ишлатиш, суверен давлатлар ҳамда халқларга ҳукмини ўтказиш ва бунинг учун жазосиз қолиш имкониятлари анча камайди. Капиталистик дунёнинг ўз ичидаги кучларнинг жойланиши ҳам ўзгарди. Иккинчи жаҳон урушида Германия империализмидек йиртқич мағлубиятга учраганлиги, милитаристлар Японияси мағлубиятга учраганлиги, бир вақтлар қудратли бўлган Британия билан Франция рақобатчилари заифлашиб қолганлиги Америка империализмини барча энг муҳим кўрсаткичлар — иқтисодий, молиявий, ҳарбий кўрсаткичлар жиҳатидан капиталистик дунёнинг корчалони мавқеига чиқариб қўйди. АҚШ уруш натижасида бебиликса фойда орттириб олган бирдан-бир энг катта мамлакат бўлганлиги ҳам ундаги ҳукмрон синфнинг жаҳон ҳукмронлиги даъволарига кўмаклашди.

Урушнинг социал ва халқаро-сиёсий якунларидан қониқмаган империалистик реакция урушдан кейинги дастлабки йиллардаёқ қандайдир тарихий реванш олишга, социализм ва бошқа демократик кучларнинг позицияларини қисиб қўйишга уринди. Шу стратегиянинг тиғи Совет Иттифоқига қарши қаратилди. АҚШнинг иқтисодий қудрати ва атом қуролига бўлган вақтинча монополияси бу стратегиянинг дастаклари бўлди. АҚШнинг ҳукмрон юқори тўдаси атом қуролини бизга ва бошқа социалистик мамлакатларга ҳарбий-сиёсий тазйиқ ўтказиш, барча халқларни чўчитиш воситаси деб билди.

Шу боисдан ҳам, урушдан кейинги ўн йилликларнинг якунлари ҳақида гапирганда, биз астойдил табриклаётган ва қўллаб-қувватлаётган якунларнинг ўзинигина кўриш билан кифояланиш нотўғри бўлур эди. Афсуски, тобора кўпроқ ташвишга солаётган бир талай воқеалар ҳам содир бўлмоқда. Ҳозирги дунё ўттизинчи йиллардаги дунёга мутлақо ўхшамайди, албатта. Аммо Ғарбдаги ҳамма кишилар ҳам ҳали Совет Иттифоқи билан дўқ-пўписа тилида гаплашиш йўлидаги уринишлардан воз кечган эмаслар.

Ғарбнинг урушқоқ доиралари бошлаган «совуқ уруш» иккинчи жаҳон уруши натижаларини ўз фойдасига ўзгартириш, совет халқини, дунёдаги тараққиёт ва демократия кучларини ғалаба самараларидан маҳрум қилиш йўлидаги уринишдан бошқа нарса эмас эди. Аслида бу мақсад яширилгани ҳам йўқ. Бу мақсадлар «социализмни улоқтириб ташлаш», «ёпирилиб ўч олиш» «уруш ёқасида туриб ҳаракат қилиш» сингари идеология ва сиёсатда ўз ифодасини топди. Натижада халқаро ишонч қўпорилди, гитлеризмга қарши коалиция доирасида бошланган давлатлараро ҳамкорлик имкониятлари анча торайиб қолди.

Америка милитаризми инсоният бошига уруш хавфини солишнинг олдинги маррасида турибди. АҚШнинг сиёсати тобора урушқоқлик тусини олиб бормоқда, халқаро муносабатларнинг доимий салбий омили бўлиб қолди, биз буни эътиборга олмаслигимиз мумкин эмас. Бу мамлакат ҳукмрон арбобларининг агрессив муддаолари халқаро хавфсизликнинг асоси бўлган ҳарбий-стратегик мувозанатни бузишга уринишларда, қуролланиш, аввало ядровий қуролланиш пойгасини кучайтиришда, космик фазони ҳарбийлаштиришдан иборат хатарли режаларда намоён бўлмоқда. Ядро қуролидан фойдаланишнинг ваҳшиёна доктриналари ва концепциялари ишлаб чиқилмоқда, ер курасининг ҳамма қитъаларида юзлаб ҳарбий базалар ва объектлар вужудга келтирилди. Никарагуага қарши давлат терроризми сиёсати амалга оширилмоқда, Афғонистонда пинҳона уруш олиб борилмоқда.

АҚШ халқаро ҳамжамиятга ўзининг тарихдаги қандайдир мумтозлиги ва алоҳида вазифаси борлиги тўғрисидаги даъволарини рўкач қилишга уринмоқда. Унинг «ҳаётий муҳим манфаатлар зонаси», бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиш, Вашингтоннинг таъбирига қараб суверен мамлакатлар ва халқларни «рағбатлантириш» ёки «жазолаш» «ҳуқуқи» тўғрисидаги империячилик даъволарини фақат шу билан изоҳлаш мумкин. Ҳатто ўзи олган сиёсий ва юридик мажбуриятларни бажаришдан бош тортмоқда.

Ғарбий Германия реваншизми хавфи кучайиб бораётганини ҳам аниқ-равшан қилиб айтмоқ керак, унга қайтадан жон киритишда АҚШнинг ҳозирги раҳбарлари жонкуярлик билан қатнашмоқдалар. Еттита етакчи капиталистик давлатнинг раҳбарлари яқинда Боннга тўпланиб, иккинчи жаҳон уруши тугаганлигининг 40 йиллигини ўзларига хос тарзда «нишонлаб», ҳатто гитлерчилар Германияси тор-мор этилиши ва урушдан кейинги тараққиёт натижасида Европада вужудга келган территориал-сиёсий реалликларга ҳуруж қилдилар. Эсэсчи қаллакесарларни унутишга ва ҳатто уларни оқлашга, бу ҳам етмагандек, уларга иззат-икром бажо келтиришга жазм қилган сиёсатчилар ҳам топилди, бу эса инсониятнинг ўлдирилган, отиб ташланган, газ камераларида бўғиб ўлдирилган миллион-миллион кишилар тўғрисидаги хотирасининг ўзини ҳақоратлашдир.

Биз уруш хавфининг миқёсларини яхши англаб, тинчлик тақдири учун ўз масъулиятимизни тушуниб, СССР билан АҚШ ўртасидаги, Варшава Шартномаси ташкилоти билан НАТО ўртасидаги ҳарбий-стратегик мувозанатни бузишга йўл қўймаймиз. Биз бундан буён ҳам шу сиёсатга амал қилаверамиз, чунки ўтмишдан олган сабоғимизни абадул-абад ва маҳкам ёдда тутамиз.

Хуллас, вазият мураккаб, ҳатто хатарли бўлиб турибди, аммо биз милитаризм кучларини жиловлаш учун жуда реал имкониятлар борлигига ишонамиз. Ер юзидаги кишиларнинг онгида урушларсиз ва қурол-яроғсиз дунёга амалий равишда эришишга бўлган ишонч мустаҳкамланиб бормоқда. Шундай дунё бизнинг замонамиздаёқ барпо этилиши мумкинлигига, шу йўлда ҳозир, шу бугуноқ актив ҳаракат қилиш, курашиш кераклигига ишонч кучаймоқда!

Тинч-тотув яшаш сиёсатининг тажрибаси, иккала система давлатларининг ҳамкорлиги соҳасида эришилган амалий натижалар бу ишончни мустаҳкамламоқда. Бундай мисоллар оз эмас. Улар тобора кенг оммани халқаро муносабатларда агрессия ва зўравонликка қарши чиқишга руҳлантирмоқда. Ижтимоий тузумидан қатъи назар, давлатларнинг амалий тинч-тотув яшаши, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши халқаро муносабатларнинг олий, универсал қонунлари бўлиб қолган тақдирдагина тинчлик мустаҳкам бўлади, деган тушунча кучаймоқда. Урушга қарши ҳаракат бундан буён ҳам ўсиб, агрессия кучларининг авантюрачилик харакатларини тобора самарали равишда қийинлаштириб қўяверишига шак-шубҳа йўқ.

Умумий тинч келажак манфаатларини кўзлаб, барча давлатларнинг актив ҳамкорлигини йўлга қўйиш — ҳозирги кундаги бирдан-бир оқилона йўлдир. Миллий, давлат манфаатлари билан умуминсоний манфаатларнинг энг мақбул нисбатларини топиш имконини берадиган интернационал механизмлар ва тартиб-қоидаларни вужудга келтириш, улардан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш шу мақсадга хизмат қилади.

Биз жуда турли социал ва сиёсий кучларни самимий ҳамкорлик қилишга, тинчлик йўлидаги холис ниятга асосланган ҳамкорликка чақирамиз. Бу —жўн вазифа эмас. Уни бир йўла ҳал этиб бўлмайди, бу вазифа мамлакатлар ўртасида анча юқори даражадаги ишонч бўлишини талаб қилади. Башарти Женевада, космик ва ядро қуролларига бағишланган Совет—Америка музокараларида сезиларли муваффақиятга эришилса, воқеаларнинг боришини тубдан буриб юбориш мумкин. Бунга бизнинг ишончимиз комил.

Бу соҳада, назаримизда, 70-йилларнинг тажрибаси чиндан ҳам бебаҳодир. Айни ўша пайтда икки система давлатларининг янги тарихий шароитлардаги ҳамкорлиги, шу жумладан, томонларнинг хавфсизлиги сингари нозик масалалардаги ҳамкорликнинг яхшигина сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий-психологик асослари вужудга келтирилган эди. Бироқ кескинликни юмшатиш муваффақиятларига Ғарб томонидан масъулият билан қараладиганида, натижалар янада салмоқлироқ бўлур эди.

Биз кескинликни юмшатиш жараёнини қайтадан тиклашнинг қатъий тарафдоримиз. Аммо бу 70-йилларда эришилган натижаларга шунчаки қайтишни билдирмайди. Бундан ҳам кўпроқ натижаларга интилиш зарур. Бизнинг назаримизда кескинликни юмшатиш сиёсатининг пировард мақсади эмас. У қурол-яроғлар қалаштириб ташланган шароитдаги тинчликдан халқаро хавфсизликнинг пишиқ-пухта ва кенг қамровли системасига ўтишнинг зарур, аммо илк босқичигина холос.

Совет Иттифоқи шу йўлдан боришга тайёр. Ядро уруши хавфини тугатиш учун ҳар қандай имкониятларни қидириш ҳукуматларнинг, масъул давлат арбобларининг олий вазифаси бўлиб қолмоғи керак. Бугун, ҳаммамиз учун унутилмас аёмда, шуни яна бир бор такрорлаб ўтмоқчиман: Совет Иттифоқи урушларсиз дунё учун, қурол-яроғсиз дунё учун қатъият билан курашмоқда. Икки системанинг тинч-тотув яшаш сиёсатига ихлосмандлигимиз—янги ижтимоий тузум куч-қудратининг, унинг тарихий имкониятларига ишончнинг далилидир. Бу сиёсат барча мамлакатлар ва халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади, чинакам инсонпарварлик руҳи билан, тинчлик ва озодлик идеаллари руҳи билан суғорилган шу идеаллар ўтган уруш йилларида ҳам совет кишиларини илҳомлантирган эди.

Инсоннинг яшашга бўлган муқаддас ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, мустаҳкам тинчликни таъминлаш ҳозир яшаб турган кишиларнинг озодлик ва социал тараққиёт йўлида ҳалок бўлган миллионлар олдидаги бурчидир, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги муштарак бурчимиздир.

* * *

Азиз ўртоқлар! Большевиклар партияси бошчилик қилган солдат шинелидаги ва ишчи коржомасидаги улуғ совет халқи урушнинг бош қаҳрамони, Ғалаба ижодкори бўлди.

Биз Ғалаба кунини байрам қилар эканмиз, Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас иш учун жонларини фидо қилган мамлакатимизнинг ажойиб, мард ўғил ва қизлари хотираси олдида таъзим қиламиз.

Биз Ғалаба кунини байрам қилар эканмиз, уруш ва меҳнат ветеранларини шарафлаймиз, жангчи ва меҳнатчи бўлган совет кишисини, қаҳрамон ишчилар синфимизни, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларини шарафлаймиз.

Биз Ғалаба кунини байрам қилар эканмиз, Ватанимиздаги мустаҳкам қардошлик оиласи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига жипслашган барча миллат ва элатларни шарафлаймиз.

Биз Ғалаба кунини байрам қилар эканмиз, совет солдатини, шавкатли Қуролли Кучларимизни шарафлаймиз.

Биз Ғалаба кунини байрам қилар эканмиз, ленинчи Коммунистик партияни—ғолиб халқнинг партиясини шарафлаймиз.

Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги жасорати асрлар бўйи яшайверсин!

(Доклад зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди).

УМУМХАЛҚ ҒАЛАБАСИНИНГ УЛУҒВОРЛИГИ

Тошкентда совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш

Қирқ йилдан буён мамлакатимиз осмони тинч ва мусаффо. Совет кишиларининг урушдан кейинги авлодлари снарядларнинг портлашини, ўқларнинг чийиллашини, ҳаво тревогасининг сигналини эшитганлари йўқ. Буюк Ғалаба байрамини нишонлар эканмиз, биз фашизмга қарши аёвсиз курашда 1418 кечаю кундуз қўлида қуроли билан, станоклар ёнида ва далада курашиб, 45-йил баҳори келиши учун, тинчликда яшаб меҳнат қилишимиз учун имконият яратиб берганлар хотираси олдида бошимизни эгиб, таъзим бажо келтирамиз.

Бутун мамлакат, бутун прогрессив инсоният билан бирга Совет Ўзбекистони ҳам шу кунларда бой берилган қурбонлар аламини ва Ғалаба саодатини, қонли жанглар жасорати ва меҳнат кунларидаги улуғворликни бошдан кечирган кишиларни шарафламоқда. Умумхалқ байрами арафасида 8 май куни В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройида совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жанглар-нинг иштирокчилари ва меҳнат фронтининг қаҳрамонлари, Тошкент жамоатчилиги вакиллари, Совет Армиясининг жангчилари тўпланди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов очди.

СССРнинг Давлат гимни янграйди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари фронтдан қайтмаган Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олдилар.

Докладчи ва йиғилишда сўзга чиққан Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. Ҳ. Умаров, меҳнат ветерани, «Таштекстильмаш» заводининг слесари В. В. Трегубов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, уруш йилларида сиёсий ходим бўлиб хизмат килган Ҳ. Т. Турсунов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, ҳарбий госпиталнинг собиқ врачи Х. М. Мунаварова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Улуғ Ватан уруши ветерани М. И. Исматов 1945 йилнинг 9 майи ўтмишга айланиб борган сари мамлакатимиз социализм, тинчлик ва тараққиёт йўлидаги жасоратининг улуғворлиги яна ҳам тўлиқ ва яна ҳам ёркин намоён бўлиб бораётганини таъкидладилар.

Совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари Коммунистик партия раҳбарлигида душманга қақшатқич зарбалар бериб, севикли Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолдилар, Улуғ Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилдилар. Улар гитлерчилар Германияси ва унинг иттифоқчилари устидан қозонилган Ғалабага, Европа халқларини фашизм асоратидан халос этишга, жаҳон цивилизациясини сақлаб қолишга ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар ва ўзларининг ватанпарварлик, интернационал бурчларини шараф билан адо этдилар. Уларнинг инсоният олдидаги хизматининг улуғворлиги ҳам шундадир. Бу жасорат тарихдан абадий жой олди.

Бизнинг заминимизда фашизм қонли из қолдирди. Тарихдаги энг даҳшатли уруш йигирма миллион совет кишисининг ёстиғини қуритди. Юзлаб шаҳарлар, 70 мингдан зиёд қишлоқ вайрон бўлди, 25 миллион киши бошпанасиз қолди. Фашизм келтирган нарса шу бўлди. Шу билан бирга ўзининг ҳақ ишини, ўз Ватанини, социалистик ғалабаларини ҳимоя қилувчи халқ ниманларга қодирлигини ҳам уруш кўрсатди. Жангчиларнинг ва фронт орқаси меҳнатчиларининг мислсиз жасоратида, уларнинг жасурлиги ва қатъиятида совет кишиларининг ахлоқий ва революцион руҳияти улуғворлиги намоён бўлди. Бу фазилатларни уларда Коммунистик партия тарбиялаган эди. Совет кишиларининг қаҳрамонона ғалабалари ҳамиша совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализмнинг битмас-туганмас манбаи, оталарининг ишини давом эттираётган ҳар бир янги авлод учун ёркин намуна бўлиб келди, ва шундай бўлиб қолаверади.

Ўрта Осиё Ҳарбий округи урушнинг дастлабки кунлариданоқ фронт учун командир кадрлар тайёрлашнинг жанговар резерви бўлиб қолди. 1941 йил декабридан 1942 йил мартигача Ўзбекистонда 14 миллий қўшилма тузилди. Улар барча жангчилар билан елкама-елка туриб, жонажон диёримиз учун жанг қилишди. Брест қалъаси ва Ленинград мудофаасида, Москва остоналаридаги, Севастополь ва Одессадаги жангларда Ўзбекистондан келган солдатлар сўнмас шон-шуҳрат қозондилар. Уруш йилларида кўрсатган жасурлиги, мардлиги ва қаҳрамонлиги учун Батан Ўзбекистоннинг 120 минг йигит ва қизини орден ва медаллар билан мукофотлади, 282 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, 32 киши Шуҳрат орденларининг тўла нишондори бўлди.

Пулемётчи А. Шукуров, Тошкент Педагогика институтининг студенти радист Е. Стемпковская, биринчи ўзбек генерали С. Раҳимов, подполковниклар Г. Хабибуллин ва А. Игнатьенко, танкчи В. Шаландин, майор А. Ҳакимов, партизан М. Топибалдиев ва кўпгина бошқа кишиларнинг шонли номи ҳамиша халқ хотирасида сақланади.

Фронт орқа томонининг меҳнатчилари уруш йилларида буюк меҳнат қаҳрамонлиги кўрсатдилар. Улар машаққатларга, оч-наҳор ва уйқусизликка бардош бериб бутун куч-қувватини душман устидан Ғалабага бағишладилар. Ўзбекистонда жуда қисқа муддатлар ичида саноат корхоналарида мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, мамлакатнинг Европа қисмидан олиб келинган 104 та завод монтаж қилинди. «Ўзинг учун ва фронтга кетган тенгқуринг учун!» шиори остида социалистик мусобақа кенг қулоч ёзди.

Совет ватанпарварлигининг кучи ярадор бўлган ва эвакуация қилиб келтирилган минг-минглаб кишиларга ёрдам кўрсатишда ҳам яққол намоён бўлди. Ўзбекистон 200 мингдан зиёд болага бошпана берди. Уларнинг кўпчилиги ота-онасиз қолган эди. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов билан рафиқаси Баҳри Акромова етти миллатга мансуб 14 болани фарзандликка олиб, интернационализм ва қалб саховатининг ажойиб намунасини кўрсатдилар. Бошқа кўп оилалар ўлардан ибрат олдилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет кишилари каби фронт ва унинг орқа томони қаҳрамонларини шарафлар эканлар, партия ишига чексиз садоқатларини амалий ишларида намоён қилмоқдалар, бундан буён ҳам партия режаларини амалга ошириш учун астойдил кураш олиб боришга азму қарор қилганлар. Республиканинг юз минглаб меҳнаткашлари Ғалаба куни шарафига ўтказилган хотира вахтасида меҳнат қаҳрамонлиги намуналарини кўрсатмоқдалар. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, зиёлиларининг фикру зикри бешинчи топшириқларини шараф билан бажариш, жонажон Коммунистик партиямизнинг XXVII съездини янги ғалабалар билан нишонлашга қаратилган, деб таъкидлашди сўзга чиққан нотиқлар.

Тантанали йиғилиш иштирокчиларини Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи жангчилари ва ёшларнинг вакиллари табриклашди.

Йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари остида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номига табрикнома қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Гимни янграйди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, Н. И. Попов, О. У. Салимов, Ҳ. А. Шоғазотов, Т. А. Алимов, В. А. Головин, Н. М. Маҳмудова, В. А. Ҳайдуров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, В. Г. Духанин, Ғ. З. Заҳириддинов, Б. Р. Раҳимов, С. У. Султонова, А. Р. Ҳўжаев қатнашдилар.

* * *

Тантанали йиғилиш Ўзбекистон санъат усталарининг концерти билан тугади.

(ЎзТАГ).

ВЕТЕРАНЛАР ГВАРДИЯСИ—САФДА

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ҚАБУЛ

Совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалаба ҳозирги вақтда ҳам, келгусида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайдиган Ғалабадир. Порлоқ байрам кунида биз жанг майдонларида ўз ватанпарвар ва интернационал бурчини қўлига қурол олиб адо этган, мамлакат ичкарисида ўзининг мислсиз матонати ва шавкатли меҳнати билан Ғалабани яқинлаштирган кишиларни шарафламоқдамиз. Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун уруш ва меҳнат ветеранлари республикаларнинг барча томонларидан Тошкентга келдилар.

8 май куни ветеранларнинг катта бир группаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди. Ветеранлар орасида Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, учала даражадаги Шуҳрат орденининг нишондорлари, урушнинг актив қатнашчилари бор эдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев йиғилганларга мурожаат этиб нутқ сўзлади. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округининг Ҳарбий Кенгаши номидан ветеранларни самимий табриклади, уларни буюк байрам билан муборакбод этди, уларга сиҳат-саломатлик, катта муваффақиятлар, бахт-саодат тилади.

Партия билан халқ ветеранларнинг шонли жанговар ва меҳнат зафарларини, уларнинг инсониятнинг энг шафқатсиз душмани — фашизм устидан қозонилган Ғалабага қўшган ҳиссасини ҳеч қачон унутмаслигини таъкидлаб ўтилди. Юбилей муносабати билан Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, ветеранлар орден ва медаллар билан мукофотланганлиги, қўшимча имтиёз ва енгилликлар берилганлиги партия ва ҳукумат улар тўғрисида қилаётган ғамхўрликининг яна бир ифодасидир. Совет кишиларини, айниқса ёшларни ватанпарварлик ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш, идеология ишида ветеранларнинг роли, айниқса, катта эканлиги қайд этиб ўтилди. Уларнинг кўпчилиги бугунги кунда ҳам ишга виждонан муносабатда бўлиш, меҳнат шавкати, юксак уюшқоқлик ва интизом намуналарини кўрсатиб, ҳамон меҳнат қилиб келмоқдалар.

Бир группа Совет Иттифоқи Қаҳрамонларига, учала даражадаги Шуҳрат орденининг нишондорларига, урушнинг актив қатнашчиларига биринчи даражали Ватан уруши ордени, «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 40 йиллиги» юбилей медаллари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан генерал-лейтенант С. С. Охунжонов, истеъфодаги генерал-майор В. Е. Сохацкий, учала даражадаги Шуҳрат орденининг нишондори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Р. Г. Тўқаев, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, запасдаги авиация генерал-полковниги П. Ф. Шевелев, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов ветеранлар тўғрисида ғамхўрлик қилаётганликлари учун Коммунистик партия ва Совет давлатига чин қалбдан миннатдорчилик изҳор этдилар, бутун куч ва ғайратимизни социалистик Ватанга хизмат қилишга, Улуғ Ленин ишига сарфлаймиз, деб ваъда бердилар.

Кейин маросимда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ва Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

УРУШ ВА ТИНЧЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҲИКОЯ

Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазмалар залида ташкил қилинган республика бадиий экспозицияси «Ғалабанинг 40 йиллиги» деб аталади. Экспозицияда намойиш қилинаётган тасвирий санъат полотнолари ва ҳайкалтарошлик асарлари, график варақалар ва плакатлар Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқи кўрсатган жанговар ва меҳнат жасорати тўғрисида ҳикоя қилиб, планетада тинчликни мустаҳкамлашга даъват этади.

Асарларнинг муаллифлари орасида собиқ фронтчилар: С. Абдуллаев, В. Евенко, М. Есин, А. Королёв ва бошқа рассомлар бор. Улар ўз асарларида уруш воқеалари тўғрисида, жанг майдонидан қайтмаган ўртоқлари ҳақида, инсониятнинг ёркин, тинч истиқболига бўлган қатъий ишонч тўғрисида ҳикоя қиладилар. Улуғ Ватан уруши мавзуи, совет кишиларининг мардлиги ва матонати ижод кор ёшларни ҳам янги-янги асарлар яратишга илҳомлантиради. Юбилей экспозициясидан уларнинг асарлари муносиб ўрин олган.

Буюк Ғалаба байрами арафасида виставкани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари келиб кўрдилар.

(ЎзТАГ).

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ СЎНМАС ЁҒДУСИ

(Боши биринчи бетда).

Сўнгра Улуғ Ватан урушининг ветерани, Совет Иттифоқи Қаҳрамони «Мосметрострой» 4-қурилиш-монтаж бошқармасининг механиги **А. С. Морухов** сўзга чиқади.

— Тантанали йиғилиш қатнашчилари бўлган ҳар биримиз, — деди у, — совет Ватанимиз, Ленин партияси билан чуқур тўлқинланиш ва ғоят зўр ифтихор туйғуларини ҳис этмоқдамиз. Совет Ватанимиз ва Ленин партияси бизни Ғалабага олиб келди. Михаил Сергеевич Горбачёвнинг докладида Улуғ Ватан урушида халқимиз эришган ғалаба, фашизмни тор-мор келтиришда Совет Иттифоқи ўйнаган ҳал қилувчи роль, Ғалабанинг тарихий сабоқлари чуқур ва ишонарли тарзда кўрсатиб берилди.

Менинг авлодим ёшлигиданоқ Ватанни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрди. Фашизмнинг қора кучига совет кишилари ўз кучларини қарама-қарши қўйишди. Совет кишилари Ватанга садоқатнинг қудратли кучини, ватанпарварлик ва жипслик кучини, мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлигини, социалистик турмуш тарзимизнинг кучини қарама-қарши қўйишди.

Империализм яна жаҳон урушини бошлаб юборишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Совет кишилари тарихий тажрибадан шуни яхши биладилар, агрессорлар билан пачакилашиб ўтириш мумкин эмас. Уруш бошланмасдан тинчликни ҳимоя қилиш керак.

КПСС ва Совет давлатининг ленинча ички ва ташқи сиёсати ҳар бир совет кишисига яқин ва тушунарлидир. Биз партиянинг, КПСС Марказий Комитетининг мамлакат иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган куч-ғайратини чуқур миннатдорчилик билан маъқуллаймиз.

Биз, москваликлар бутун совет кишилари билан биргаликда КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорларини қизғин маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Пленум қарорларига биноан пойтахтда партия XXVII съездига тайёргарлик авж олдирилмоқда.

Белоруссиядаги партизанлар ҳаракатининг иштирокчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Белоруссия ССР Фанлар академиясининг Торф институти лабораториясининг мудири **Ф. А. Малишев** минбарга чиқади.

Шу юксак минбарда туриб ғоят катта ҳаяжон туйғусини ҳис этмоқдаман, деди у. Айни пайтда чексиз қувонч ва ифтихор туйғуларига тўлиб-тошганлигини ҳам айтди. Ғолиб халқимиз билан фахрланаман. Бундан 40 йил муқаддам ёвуз душман устидан Буюк Ғалабага олиб келган Ленин партиямиз билан фахрланаман.

Улуғ халқимиз ҳамма қийинчиликларни бошидан кечирди, ҳамма нарсага бардош берди ва Ғалаба қозонди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачев докладида бу ҳақда ишонарли тарзда айтилган. Биз, уруш ветеранларига Ғалабамиз ҳақидаги, ишларимиз тўғрисидаги, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ҳақидаги гаплар яқин ва тушунарлидир. Биз уларни тўла-тўкис ва батамом маъқуллаймиз, қўллаб-қувватлаймиз.

Белоруссия меҳнаткашлари улуғ рус халқи, Советлар мамлакатининг барча қардош халқлари туфайли озодликка ва қайта тикланишга, бугунги порлоқ кунларга эришганликларини асло унутмайдилар. Республикани ривожлантириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик ва эътибор бериб келаётганлиги учун жонажон Ленин партиясига чуқур миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Биз, ветеранлар партиянинг узоқни кўзловчи доно ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумининг экономикамизни янада ривожлантириш, совет кишилари фаровонлигини ошириш, Ер юзида тинчликни сақлаб қолишга қаратилган қарорларини қизғин маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

Биз, Ғалаба солдатлари ёш авлодни коммунистик эътиқод, Ленин васиятларига садоқат руҳида, социализм ғалабаларини ҳимоя қилишга исталган дақиқада шай туриш руҳида тарбиялашни ўзимизнинг партия ва халқ олдидаги, жангларда ҳалок бўлганлар хотираси олдидаги бурчимиз, деб биламиз.

Меҳнат ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Пермь шаҳридаги В. И. Ленин номли завод слесари **А. И. Мишланов**га сўз берилади.

Узоқ кутилган Ғалабамиз йўли қийин, жуда қийин бўлди. Халқимиз биз учун муқаддас бўлган байрам ҳуқуқини катта қурбонлар, оғир синовлар эвазига қўлга киритди. Совет кишилари мамлакат ичкарисида мислсиз ғайрат-шижоат билан меҳнат қилдилар. Партия иродаси билан менинг жонажон диёрим Урал ҳам мамлакатнинг ҳақиқий аслаҳахонаси бўлди. Унинг заводлари корпусларида Ғалаба қуроллари тайёрланди.

Завод ишчилари ўзларининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини муқаддас сақлаб кўпайтирмоқдалар, деди у.

Ишчилар синфи ҳақида, ўзининг қаҳрамонона меҳнати билан Ғалаба қуроли ясаганлар тўғрисида, бугун меҳнат қилаётганлар ҳақида илиқ сўзлар айтганингиз учун Сиздан, Михаил Сергеевич, миннатдормиз.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган апрель Пленуми ғоялари, йўл-йўриқлари, қабул қилган қарорлари бизга яқин ва тушунарлидир. Барча уралликлар уларни қизғин қўллаб-қувватлайдилар ва маъқуллайдилар.

Ҳарбий марш садолари остида шахдам қадам ташлаб жанговар байроқларга бурканган барча қўшин турлари вакиллари залга кириб келади. Шавкатли жангчилар, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари колоннани бошқариб борадилар. СССР Қуролли Кучларининг вакиллари тантанали йиғилиш қатнашчиларини табриклайдилар. Гвардиячи мотоўқчи полк командири подполковник **А. Н. Столяров** сўз олади.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шонли кунида, деди офицер, Қуролли Кучларнинг шахсий состави номидан Сизларга, тантанали йиғилиш иштирокчиларига, Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарларига, уруш ва меҳнатнинг хизмат кўрсатган ветеранларига, йиғилишда қатнашаётган барча чет эллик меҳмонларга алангали жанговар саломимизни топширишга ижозат бергайсизлар!

Буюк Ғалаба натижаларини кўз қорачиғидек асраш, совет кишиларининг тинч меҳнати ҳамда социалистик Ватаннинг хавфсизлигини қўриқлаш юзасидан партия ва халқ Қуролли Кучлар зиммасига юклаган вазифа буюк ва фахрлидир. Солдатдан тортиб маршалгача — барча совет жангчилари бу муқаддас бурчни бажариш учун Ватан олдидаги юксак масъулиятларини чуқур англамоқдалар.

Азиз ўртоқлар, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини янги муваффақиятлар билан кутиб олаётганликларини Сизларга айтишдан хурсандмиз. Социалистик мажбуриятлар бажарилди. Жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари сафи кўпайди. Жанговар сафимиз янада мустаҳкам ва монолит бўлиб қолди. Қўшинлар ва Флот кучининг жанговар тайёргарлиги ошди. Уруш йилларида бўлгани каби коммунистлар ва комсомоллар барча ҳарбий коллективларнинг жон-дили уларни жипслаштирувчи кучдир. Армия ва Флот жангчилари КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми қарорларини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Улар Пленум қарорларини партия коллектив донолигининг, унинг стратегик йўли давомийлигининг ёрқин кўриниши, деб биладилар ҳамда КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун ҳамма ишларни қиладилар.

Йиғилиш қатнашчилари Қуролли Кучлар вакилларини давомли қарсаклар билан табриклайдилар.

Уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Фанлар академиясининг президенти **А. П. Александров** сўзга чиқади.

Совет олимлари, деди у, Ватанимиз хавфсизлигини таъминлашни ўзларининг энг муҳим бурчи, деб биладилар. Улуғ Ватан уруши даврида кўпгина олимлар жанг қилдилар, бошқалари эса, мамлакат ичкарисида институт ва заводларда, турли экспедицияларда, шунингдек, фронт шароитида қизғин меҳнат қилдилар. Уларнинг ёрдамида қурол-яроғларнинг янги турлари ҳам, қурол тайёрлашнинг янги технологиялари ҳам яратилди, кўпгина зарур материаллар топилди. Фақат совет фанини шакллантиришнинг дастлабки шарт-шароитларини эсга олгандагина бу жараённи тасаввур қилиш мумкин.

Октябрга қадар бизнинг мамлакатимиз техник-иқтисодий жиҳатдан жиддий орқада қолган эди. Мамлакат аҳолисининг қарийб 80 проценти саводсиз эди. Саноат эса чет элдан етказиб бериладиган маҳсулотга, технологияга анча қарам эди ва кўп раҳбарликни муҳожир мутахассислар эгаллаган эди.

Социалистик революция улкан ижодий куч-ғайратларни жўш урдириб юборди ва бунинг натижасида саноатни, техникани, фанни ривожлантириш имкони туғилди. Ленин фан, техника ва ишчилар синфи иттифоқига ҳеч қандай ёвуз куч бас келолмайди, деган эди.

Партия, унинг Марказий Комитети мамлакатимизни янада ривожлантириш ва тинчликни таъминлаш соҳасида жуда катта ишларни амалга оширмоқда.

Марказий Комитетнинг апрель Пленуми янги катта вазифаларни ўртага қўйди. Пленум қарорлари, биз, олимлар зиммасига мамлакат иқтисодий потенциалини ривожлантириш, илмий-техникавий ва социал тараққиётни жадаллаштириш соҳасида юксак масъулият юклайди.

Минбарда — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Житомир областидаги «Большевик» колхозининг раиси **Л. А. Любченко.**

Қирқ биринчи йилнинг фожиали июнь ойида бошқа кўп тенгқурларим қатори мактабни битирув кечасини кутиб ўтирмай, Житомирдаги жонажон қишлоқни тарк этиб, фашистлар бомбаси остида Шарққа кетишимга тўғри келди, деди у. Мен Магнитогорсккача бордим. Ўшанда менга орадан қирқ йилдан кўпроқ вақт ўтгач, бу йўл Буюк Ғалабамизга бағишланган умумхалқ тантанаси куни Ватанимизнинг юксак минбаригача босиб ўтилган қадам билан ниҳоясига етади, деганларида ишонган бўлармидим?

Биз киндик қонимиз тўкилган заминдан нотаниш жойга кетмадик, бизни туғишганлари каби кутиб олишларини билган ҳолда қон-қардош биродарларимизнинг уйларига бордик. Рус замини ўз булоғидаги бир қултум суви билан, саховатли рус оналари болаларининг ризқини қийиб, ажратган ҳар бир бурда нони билан, уй-жойини биз билан баҳам кўриб, сўзлари ва боқишларида меҳрибонлик балқиб турган нигоҳлари билан бизнинг ишончимизни қўллаб-қувватлашди. Бунинг учун Сизларга таъзим ва ташаккур!

Жонажон қишлоғимда колхоз раиси бўлиб ишлаётганимга 35 йил бўлди. Шу вақт мобайнида бошқа минг-минглаб қишлоқлар қатори менинг қишлоғим ҳам таниб бўлмас даражада ўсиб бақувват бўлди. Беш йилликлар сайин маҳсулот ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш планлари бажариб келинмоқда. Кейинги тўрт йил мобайнидагина 200 ёш оила ҳовли тўйларини ўтказди. Ажойиб мактабимиз, болалар боғчаси, маданият уйи, касалхона, ҳаммом, кир ювиш комбинати, савдо комплексимиз бор. Спорт комплекси қурилишини тугаллаяпмиз.

Биз ўз истиқболимизни тинч ва бахтиёр, деб биламиз. Бугун мен она ва буви сифатида шуни айтаманки, болаларимиз ва набираларимиз тинч осмон остида яшашини исташдан кўра муқаддасроқ тилагимиз йўқ. Бунинг учун биз куч-ғайратимизни сира аямаймиз.

Бугун мен туғишганлари, севган кишиларидан умрбод ажралиб қолганликлари ҳақидаги фикр билан ҳеч қачон келиша олмаётган дарди туганмас минг-минглаб бева аёллар ва оналар номидан гапирмоқдаман.

Вазият ҳозир ташвишли эканлигини биз биламиз. Океан нарёғидаги сиёсатдонлар инсонга қарши режалари ва ҳаракатлари билан Ер юзини ҳалокат сари судрамоқдалар. Энди уларга планетадаги мусибат камлик қилгандек, инсониятни космик миқёсларда йўқ қилиб ташлаш керак эмиш. Биз бунга йўл қўймаймиз!

Коммунистик партия ва Совет давлатининг Ер юзида тинчликни сақлаш, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, давлатимиз қудратини оширишга қаратилган доно ички ва ташқи сиёсатини бутун қалбимиз билан қизғин маъқуллаймиз. Биз совет кишилари бундан буён ҳам яхшироқ, самаралироқ ишлайверамиз! Интизомни мустаҳкамлаймиз, севикли Ватанимиз фаровонлиги йўлида, ҳар биримизнинг фаровонлигимиз йўлида, Ер юзида тинчлик ва ҳаёт бўлиши учун ишлайверамиз.

Йиллар ва ўн йилликлар ўтар, лекин фашизмга қарши урушнинг асосий оғирлигини ўз елкасида кўтарган совет кишисининг буюк жанговар ва меҳнат жасорати халқ хотирасидан сира кўтарилмайди.

Меҳнат жасоратини, сабр-тоқат жасоратини, садоқат ва ўзини бахшида этиш жасоратини қўшиқларда, поэмаларда, афсоналарда куйлаш учун бутун жаҳонда энг юксак ва мунис сўзлар етмаса керак. Булар чин вафодор меҳнаткаш аёлнинг мағрур, юксак жасоратидир. Бу — оналар ва дугоналарнинг мунис жасоратидир. Бу — урушнинг ва урушдан кейинги йилларнинг энг қийин дамларида фарзандлари ва набираларини тарбиялаб, улар ҳалок бўлган оталари ва боболарининг хотирасига муносиб кишилар бўлиши учун жон куйдирган беваларнинг ғам-андуҳларга бардош берган жасоратидир. Яна юз йиллардан кейин ҳам одамлар Сенинг пойинга гуллар келтираверади, уруш қаҳрамони — Она!

Шу боисдан биз: урушга йўл йўқ! Биз тинчлик истаймиз! Ер планетасида тинчлик абадий барқарор бўлсин! — деб хитоб қиламиз.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари **М. Якеш** сўзга чиқади.

Совет Иттифоқининг гитлерчилар фашизми устидан тарихий Ғалабасининг 40 йиллиги муносабати билан тантаналарда иштирок этишга таклиф қилганликлари учун қардош социалистик мамлакатларнинг делегациялари номидан КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига самимий миннатдорчилик билдиришга рухсат этгайсиз. Ғалаба байрами билан қизғин ўртоқларча табрикларимизни қабул қилгайсиз. Бу байрамни сизлар билан бирга мамлакатларимизнинг халқлари, бутун дунёдаги тинчликсевар ва тараққийпарвар кишилар нишонламоқдалар.

Гитлерчилар агрессиясининг дастлабки қурбонларидан бири бўлган бизнинг Чехословакия Социалистик Республикамизда шу кунларда совет халқи миллий-озодлик кураши ниҳоясига етганлиги ва мамлакатимиз шонли Совет Армияси томонидан озод қилинганлигининг 40 йиллиги муносабати билан умуммиллий тантаналар бўлиб ўтмоқда, деди у. Праганинг курашаётган халқи ўз халоскорлари — совет солдатларини қувонч ва муҳаббат билан кутиб олган 9 май куни ЧССРнинг давлат байрами бўлиб қолди.

Нацизмнинг тор-мор келтирилиши Москва учун, Сталинград остоналаридаги, Курскдаги ва Советлар мамлакатининг бошқа кўп жойларидаги жанглардан бошланганлигини, гитлерчилар Германияси Совет Армиясининг ҳал қилувчи зарбалари натижасида сўзсиз таслим бўлганлигини инсоният ҳамиша ёдда сақлайди ва миннатдорчилик билан эслайди. Гитлерчиларга қарши коалицияга бирлашган ўнлаб халқлар ва давлатлар ҳам фашизм устидан Ғалабага ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Совет Иттифоқи Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли вужудга келган биринчи социалистик давлатнинг, бекиёс сиёсий ҳарбий ва маънавий кучини энг қийин синовларда исботлади, совет халқи Улуғ Октябрнинг идеалларини амалга оширди.

Гитлерчилар фашизмининг тор-мор келтирилганлиги бутун инсониятга таҳдид қилиб турган ўлим хавфини тугатди. Европа ва Осиёдаги кўплаб халқлар учун уларнинг тарихида янги саҳифа бошланди. Жаҳон социалистик системаси вужудга келди, бу халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг Улуғ Октябрь Социалистик революциясидан кейинги энг катта ютуғидир.

Ўтган қирқ йил ичида жаҳоннинг қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Социалистик мамлакатлар ҳамдўстлиги мустаҳкамланди. Империализмнинг мустамлакачилик системаси барбод бўлди. Дунё харитасида янги мустақил давлатлар пайдо бўлди, уларнинг кўплари чуқур социал ўзгартишларни амалга ошириб, қолоқлик ва қарамликни узил-кесил тугатишга қарор қилдилар.

Суверен социалистик давлатлар ўртасида социалистик интернационализм асосида янги типдаги муносабат — дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро мадад ва ёрдам муносабати вужудга келди. Социалистик қурилиш давомида уларнинг ҳар бири Совет Иттифоқига, унинг ёрдамига таяниши, унинг бой тажрибасидан ижодий фойдаланиши мумкин бўлди. Бунинг учун мен КПСС-га, совет халқига астойдил миннатдорчилик билдиришни истардим.

Ҳозирги вақтда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги Иқтисодий кенгаши қарорларини амалга оширишга катта аҳамият билан қарамоқдамиз, бу қарорларнинг бажарилиши социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Иттифоқчи мамлакатлар, халқлар тинчликда бир-бирлари билан дўст бўлиб яшашлари учун ҳамма чораларни кўрамиз, деб иккинчи жаҳон уруши вайроналари устида қасамёд қилган эдилар. Совет Иттифоқи бу тантанали қасамга изчиллик билан риоя қилмоқда. Европа халқлари қирқ йилдан буён тинчлик шароитида яшаб келаётган эканлар, бу, энг аввало, Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг натижасидир. СССР бошқа социалистик давлатлар билан биргаликда халқаро вазиятни соғломлаштиришга, Европада ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни сақлаб қолишга қаратилган тинчлик ташаббусларини ҳормай-толмай олға сурмоқда.

Қўшма Штатлар ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари бошқача йўл тутдилар. Турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасидаги муносабатга Хельсинкидаги Умумевропа кенгаши руҳидаги ўзаро фойдали ҳамкорликнинг ижобий элементларини бахш этган етмишинчи йиллардан сўнг АҚШ тинч-тотув яшаш сиёсатидан воз кечди ва турли баҳоналар билан «совуқ уруш»га қайта бошлади.

Америка империализми бошчилигидаги халқаро империализмнинг реакцион доиралари куч ишлатиш йўли билан ўз ҳукмини ўтказиш сиёсатини амалга ошириш учун ҳарбий стратегик жиҳатдан социализмдан устунликка эришишга интилмоқдалар. Улар қуролланиш пойгасини, айниқса, ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасини авж олдириб, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини хавф остида қолдирмоқдалар, улар учун биринчи ядро зарбаси бериб, бежазо қолишни таъминлайдиган космик қуролларни тадқиқ этишни давом эттирмоқдалар.

Ана шундай мураккаб шароитда Совет Иттифоқи халқаро проблемаларни ҳал қилишнинг мақбул йўлларини қидиришни давом эттираётганлигини бутун дунёдаги тинчликсевар кучлар қадрлайдилар. Қуролланиш пойгасини ва космос ҳарбийлаштирилишининг олдини олишга қаратилган муҳим таклифлар — СССРнинг инсоният тақдири учун юксак масъулиятининг ифодасидир. Жаҳон жамоатчилиги Женевада СССР билан АҚШ ўртасида янги музокараларнинг бошланишига олиб келган Совет ташаббусини жуда катта умид билан кутиб олди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев олға сурган сўнгги таклифларни ҳам жаҳон жамоатчилиги ана шундай баҳолади.

Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган мамлакатлар олий партия ва давлат арбобларининг яқинда бўлиб ўтган учрашуви ҳалок бўлганлар хотираси, ҳозир яшаётганлар ва келажак авлодлар олдидаги бурч иккинчи жаҳон уруши сабоқларини унутмасликни, тинчликни сақлаб қолишни талаб қилаётганлиги уқтириб ўтилди. Қайси жамиятга ва давлатга мансублигидан қатъи назар, халқлар ва давлатларнинг, барча тинчликсевар ва тараққийпарвар кучларнинг коллектив ғайрат-шижоатини тинчликни сақлаб қолишга қаратмоқ зарур. Энг аввало, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг, бошқа социалистик мамлакатларнинг бирлигини, жипслигини мустаҳкамлаш, ҳамкорлиги ва биргаликдаги ҳаракатларини ривожлантириш керак.

Сарой залини майнинг қувончли ва нурафшон куни ёритгандек бўлди: залга мамлакат ёшлари кириб келади. Совет ёшларининг вакиллари тантанали йиғилиш қатнашчиларини табриклаш учун келдилар.

Ёш ишчи, совхоз механизатори, студент қиз минбар олдига келадилар. Залда ўтирганлар уларни ҳаяжон билан тинглайдилар.

Мен Лихачев номидаги заводда ишлаётганим билан фахрланаман, деди ишчи **Сергей Сарафанов.** Минглаб автозаводчилар фронтга кетгач, қариялар, аёллар, ўсмирлар станоклар ёнида уларнинг ўрнини эгалладилар. Завод қурол ишлаб чиқаришни давом эттирди. Ўшанда ҳар бир киши ўз-ўзига: «фронт учун, Ғалаба учун сен ҳамма ишни қилдингми? — деб савол берарди. Ишчиларнинг шонли анъаналари давом этмоқда. Менинг ўртоқларим — автозаводчилар миллионлаб совет кишилари каби Ғалабанинг 40 йиллигига зарбдор вахтани шараф билан якунладилар. Заводимиз коллективи меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан беш йиллик топшириқни ҳозирнинг ўзидаёқ бажарди.

ЗИЛ ишчилари билан учрашув вақтида, КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида виждонан меҳнат қилиш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, ташаббускорлик ва ижодкорликни ривожлантириш борасида Михаил Сергеевич Горбачёв қўйган вазифаларни мамлакат комсомоллари ва ёшлари юксак масъулиятни ҳис этиб қабул қилдилар. Ҳар бир киши бу вазифалар ҳақида ўйлар экан, ўзидан талабчанлик билан, тўла куч билан ишлаш учун Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга энг кўп даражада ҳисса қўшиш учун сен ҳамма ишни қилаяпсанми, деб сўрамоқда.

КПССнинг XXVII съездига тайёргарлик кўрар эканмиз, бизлар Ленин васиятларига содиқ қоламиз, стахановчасига меҳнат қиламиз, Ватанни, социализм ғалабаларини Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари сингари севамиз ва ҳимоя қиламиз, деб Коммунистик партияга ваъда берамиз.

Мен Москвага Орел областидан, тўппа-тўғри баҳорги даладан келдим, деди «Ржавецкий» совхозининг механизатори **Виктор Корченков.**

Уруш «оловли ёй» бўлиб ўтган заминда қирқинчи марта тинч осмон остида экинлар кўкармоқда. Жонажон далалар ва ўрмонлар орасида ўтмишдан хотира сифатида ёркин ёдгорликлар қад кўтариб турибди. Боболаримиз экинзорларга ўз қонини тўкиб, бу ерларда жон фидо қилган бўлсалар, бизлар мана шу олий фидойилик эвазига қандай ишлашимиз керак, деган фикр хаёлимдан ўтади.

Азиз ветеранлар, Сизларга сидқидилдан раҳматлар айтамиз. Сизлар диёримизни қаттиқ туриб ҳимоя қилганликларингиз учун, бизларни интернационалист ватанпарварлар қилиб тарбиялаётганлигингиз учун, ўзингизнинг асосий бойлигингиз қаҳрамонона анъаналарга садоқатни бизларга сингдираётганлигингиз учун раҳматлар айтамиз.

Қишлоғимиз яшармоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина 120 минг йигит ва қиз комсомол йўлланмалари билан ферма ва комплексларга ишлаш учун келди. Ҳар уч механизатор ва мутахассиснинг бири, ҳар тўрт чорвадорнинг бири ёшлардир. Бироқ ёшлик — имтиёз эмас. Ёшлик бизларга бепарволик, дангасалик, ношудлик ҳуқуқини бермайди, айниқса, агар сен замин сингари бойликни мерос қилиб олар экансан, асло бундай ҳуқуққа эга эмассан. Биз уни она-Замин, деб атаймиз. Биз Ватанни она-Ватан, деб атаймиз. Биз Заминни ҳар қандай душманлардан, ҳозирги пайтдаги «салб юриши» даъвогарларидан Ватан сингари ҳимоя қилишимиз ва авайлаб сақлашимиз зарур. Яна бизлар уни ишёқмас кишиларнинг бепарволигидан асраб авайлашимиз керак. Сизларга фарзандлик сўзи билан ва иши билан, бўлиқ бошоқлар билан, Заминга бўлган меҳр-муҳаббат билан сизлар каби ўз бурчимизни умримиз охиригача ҳалол бажарамиз, деб қасамёд қиламиз. Бизларга ишонинг: Ғалаба байроғи ишончли қўллардадир.

Урушдан олдинги даврдаги тенгдошларимиз олий ўқув юртларининг аудиторияларидан жанг майдонларига жўнаб кетдилар, деди Тожикистон давлат медицина институтининг студенти **Ниссо Сафарова.** Улар борлиғини, ёшлигини, бахтини, ҳаётини Ғалаба йўлида қурбон қилдилар. Студентлар отрядларининг қатнашчиларини бежиз жангчилар, деб атамайдилар. Студентлар, мактаб ўқувчилари ва пионерлар ўзларининг асосий маҳнати — ўқишга масъулият билан муносабатда бўлиб, билимларнинг сифати учун курашиб, ҳозирнинг ўзидаёқ Ватанга амалий ишлари билан наф келтиришга интилмоқдалар. Бутуниттифоқ студентлар отряди ҳар йили бир миллиард 700 миллион сўмлик иш бажармоқда.

Совет халқлари кўп миллатли оиласининг ўғил ва қизлари бўлган бизлар тинч осмон остида вояга етмоқдамиз. Уруш ва меҳнат қаҳрамонлари тўғрисидаги хотира ёшлар қалбида Ватанга нисбатан алангали муҳаббатга айланмоқда. Ветеранлар тўғрисида ғамхўрлик қилишга, ҳали номаълум қаҳрамонларни қидириб топиш иштиёқига айланмоқда. КПСС Марказий Комитетида Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан бўлиб ўтган учрашувда зўр манфаатдорлик билан гапириб ўтилганидек, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тўғрисида комсомол ва пионер ташкилотлари зўр қатъият билан жанговарона иш олиб бормоқдалар.

Планетанинг тараққийпарвар ёшлари Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланадиган йилда ўз сафларини янада жипслаштириш, «Урушга йўл қўймаймиз!», «Империализмга, милитаризмга ва реакцияга йўл йўқ!» — деб қатъиян айтиш учун Москвада Ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивалида учрашадилар.

Комсомол, совет ёшлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг ленинча ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайдилар.

Сақлаб қолинган тинчлик учун, гўзал мамлакатимизда яшаш, ўқиш ва меҳнат қилиш қувончи учун Ғалаба қирқинчи баҳорининг гулларини қабул қилгайсиз, азиз ўртоқлар!

Залда ҳозир бўлган кишилар совет ёшлари вакилларини қизғин қарсаклар билан табриклайдилар.

* * *

Бир неча минут ичида зал энг ёш граждандар — пионерлар ва октябрятлар билан тўлади. Улар тантанали йиғилиш президиуми аъзоларига, уруш ва меҳнат ветеранларига баҳор гулларини тақдим этадилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилинади.

Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг қирқ йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ёпиқ, деб эълон қилинади. Совет Иттифоқининг Давлат гимни янграйди.

(ТАСС).

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1985 йил 9 май. № 110 Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!!

Прапорщик ва мичман ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, Армия ва Флот ветеранлари, ўртоқлар!

Бугун мамлакатимиз, СССР Қуролли Кучларининг жангчилари, қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари, ер юзидаги барча тараққийпарвар кишилар совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабаси 40 йиллигини байрам қилмоқдалар. Шу куни, ўз миқёслари, шиддати ва кўп қон тўкилиши жиҳатидан тарихда мисли кўрилмаган қарийб тўрт йиллик жангдан кейин дунёда биринчи социалистик давлатни йўқ қилиб ташлашни, дунёга ҳукмрон бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган империализмнинг энг реакцион зарбдор кучи — гитлерчилар фашизми тор-мор этилди.

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари Коммунистик партия раҳбарлигида ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини шараф билан бажардилар, социалистик Ватаннинг озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар, Октябрь ишини муҳофаза этдилар, фашистлар Германияси ва унинг иттифоқчилари устидан қозонилган Ғалабага, Европа халқларини фашистлар асоратидан озод қилишга, жаҳон цивилизациясини омон сақлаб қолишга ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар. Югославия, Польша, Чехословакия, Болгария, Румыния, Албания, Венгрия ҳарбий қўшилмаларининг, партизан армиялари ва отрядларининг жангчилари, қаршилик ҳаракати ва фашизмга қарши яширин шароитда курашиш қатнашчилари фашист босқинчиларга қарши фидокорона курашдилар. Гитлеризмга қарши коалициядаги давлатларнинг халқлари ва армиялари Ғалабага эришишга катта ҳисса қўшдилар.

Ўтган ўн йилликлар Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган Ғалабанинг жаҳоншумул-тарихий аҳамиятини янада яққолроқ ва тўлиқроқ кўрсатди. Германия фашизми ва Япония милитаризми тор-мор этилганлиги жаҳон тараққиётининг бутун боришига жуда чуқур таъсир ўтказди. Тараққийпарвар, демократик, тинчликсевар кучларнинг позициялари мустаҳкамланди, коммунистик ва ишчи партияларнинг нуфузи ошди. Жаҳон социалистик системаси вужудга келди ва муваффақиятли ривожланмоқда. Империализмнинг мустамлакачилик системаси инқирозга учради ва барбод бўлди.

Ғалабамизнинг манбалари — социалистик жамият табиатининг ўзидадир, унинг жуда катта иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий имкониятларидадир, социализмнинг капитализмдан туб устунлигидадир.

Улуғ Ватан урушида бизнинг шавкатли Қуролли Кучларимиз Ғалаба қилди. Душманга қарши шафқатсиз жангу жадалларда совет жангчилари, халқ лашкарларининг аскарлари мислсиз довюраклик ва бениҳоя зўр матонат кўрсатдилар. Партизанлар ва яширин шароитда курашганлар Ғалабага катта ҳисса қўшдилар. Мамлакат ичкарисидаги меҳнаткашлар уруш йилларида буюк жасорат кўрсатдилар. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлилари ҳаддан ташқари оғир қийинчиликларни бартараф этиб, тинимсиз меҳнатлари билан Ғалаба қуролини етказиб бердилар, армия билан мамлакатни зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминладилар. Ўз куч-қувватини ва ҳатто жонини ҳам аямай, манфур душманнинг тор-мор этилишини таъминлаган ҳамма кишиларга нисбатан чуқур ташаккур туйғуси халқимиз хотирасида мангу қолади.

Совет кишилари Ғалабанинг 40 йиллигини КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил навбатдан ташқари март ва апрель Пленумлари қарорлари, партиянинг XXVII съездига тайёргарлик кўриш туфайли юзага келган юксак сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати вазиятида кутиб олмоқдалар. Бутун мамлакат 1985 йилги планни бажариш, ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли тугаллашдан иборат ягона муддао билан яшаб турибди. Меҳнаткашлар ўз куч-ғайратларини экономикани янада юксалтиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, ишлаб чиқаришни интенсивлашга, интизом ва тартибни мустаҳкамлашга, мавжуд ресурс ва имкониятлардан тобора тўла-тўкис фойдаланишга сарфламоқдалар. Совет халқининг фаровонлиги муттасил ошмоқда, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати мустаҳкамланмоқда, унинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ўсмоқда.

Совет Иттифоқи империализм авж олдириб юборган қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, жаҳон термоядро уруши хавфини тугатиш учун социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан бирга сабот билан курашмоқда.

Бироқ империалист доираларнинг айби билан дунёдаги вазият ҳамон мураккаб ва хатарли бўлиб турибди. АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари СССР ва Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа давлатлардан ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги уринишларини бас қилмаяптилар. Ҳарбий тайёргарликлар тобора кенг миқёсда авж олдирилмоқда, дунёнинг турли регионларида кескинлик кучайтирилмоқда. Ғарбий Европада Американинг биринчи зарба ракеталарини жойлаштириш давом эттирилмоқда, космосни ҳарбийлаштиришнинг машъум режаларини амалга ошириш соҳасидаги ишлар жадаллаштирилмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси халқаро муҳитни тобора кўпроқ чигаллаштирмоқда ва мамлакатимиз мудофаасини мустаҳкамлашга муттасил эътибор беришни талаб қилмоқда. Коммунистик партия билан Совет ҳукумати бундан буён ҳам СССР Қуролли Кучлари совет халқининг тинч меҳнатини пишиқ-пухта ҳимоя қилиш учун барча зарур нарсаларга эга бўлишлари учун ҳамма ишни қилаверадилар.

Коммунистик партия теварагида маҳкам жипслашган Совет Армияси билан Ҳарбий-Денгиз Флоти Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг армиялари билан биргаликда социализмнинг улуғ ғалабалари посбонлигида сергак турибдилар, ҳар қандай агрессорга дарҳол ва самарали зарба берилишини гарантиялайдиган доимий жанговар шай ҳолатдадирлар. Улар ўз жанговар маҳоратини доимо такомиллаштирмоқдалар, қуруқликдаги, осмондаги ва денгиздаги омилкорликни оширмоқдалар, маънавий-жанговар потенциални кучайтирмоқдалар.

Армия ва Флотнинг шахсий составини, Қуролли Кучларнинг ветеранларини, урушнинг барча қатнашчиларини Буюк Ғалаба байрами билан табриклайман ва қутлайман.

1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган Ғалабаниг 40 йиллигини нишонлаш юзасидан **буюраман:**

Бугун 1985 йил 9 май куни, маҳаллий вақт билан соат 22 да Ватанимиз пойтахти қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар—Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула, Смоленск, Мурманскда, Қаҳрамон қалъа Брестда, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида тўплардан бир йўла қирқ марта ўқ узиб, артиллерия байрам салюти берилсин.

Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали
С. СОКОЛОВ.

● **БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ХОТИРА ВАХТАСИДА**

Байрамга—муносиб совға

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли 159-трестнинг 61-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Ринат Гайнуллин бошлиқ монтажчилар бригадаси ўн биринчи беш йиллик планини муваффақиятли адо этди. Пландаги 1 миллион 445 минг сўмлик ўрнига 2 миллион 690 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

Бригаданинг вақтдан ўзиб ишлаётганлиги бежиз эмас. Чунки коллективда жуда кўплаб ўз касбининг усталари меҳнат қилишади. Монтажчи Пётр Орлов, электр-пайвандчи Николай Акиншев шулар жумласидандир. Ўз навбатида ҳар икки қурувчи республикамизда «Ўн бешлар ташаббуси»нинг ижодкорлари бўлган эди. Мана бугун улар ўз сўзларининг устидан чиқишиб, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига муносиб совға ҳозирладилар.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Индекс 64690. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.